**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК 615.036.2:616.12*

**БОИСХЎЖАЕВА АДИБАХОН АНВАРОВНА**

# Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти шароитида хусусий дорихоналар фаолиятини хуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш

Ихтисослик: 5 А 230201 – менежмент (фармация)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: проф. ф. ф. д. Проф.Зайнутдинов Х.

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
KUTUBXONASI

Тошкент – 2014

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет: фармация

Магистратура талабаси: Боисхўжаева А.А.

Кафедра: Фармацевтика ишини ташкил қилиш

Илмий раҳбар: проф.Зайнутдинов Ҳ.

Ўқув йили: 2012-2014

Мутахассислиги: менежмент (фармация)

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Аҳолини дори воситалари билан таъминлашда турли мулк шаклларига асосланган дорихоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятини хусусий дорихоналар ташкил этади. Хусусий дорихоналарнинг фаолияти қонунлар ва турли идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу соҳани тартибга солувчи комплекс холдаги ягона норматив ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги, хусусий дорихоналар фаолиятини илмий ва назарий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади .

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Бозор муносабатлари шароитида аҳолини дори воситалари билан таъминлашда ҳусусий дорихоналарнинг ўзига хос жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни комплекс холда таҳлил қилиш ушбу соҳада миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш .

**Тадқиқот объекти** - ҳусусий фармацевтика фаолияти. **Тадқиқотнинг предмети** ҳусусий дорихоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, фаолиятини тугатиш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар.

**Тадқиқот услубияти ва услублари.** Диссертацияда илмий изланишларнинг билиш, таҳлил ва синтез, ҳуқуқий-таққослаш, тизимли ёндашув, юридик нормаларни моделлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси.** Биринчи

маротаба хусусий дорихоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш комплекс холда монографик тарзда ўрганилиб, мустақиллик даврида бу соҳада қабул қилинган қонунчилик даврларга ажратиб, таҳлил қилинди.

Хусусий фармацевтик фаолиятнинг ўзига хослиги, унинг субъектларидан бири бўлган ҳусусий дорихонанинг фаолияти махсус қонун асосида тартибга солиниши асослантирилиб, "Хусусий дорихона тўғрисида"ги қонун конструкцияси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ва татбиқи.**

Диссертация материаллари "Фармация ишини ташкил қилиш", "Ҳуқуқшунослик" фанининг айрим мавзуларини, "Патентшунослик, лицензия ва сертификатлаш" , "Фармация ва қонунчилик", "Фармация фаолиятининг назорати" фанларини ўқитиш жараёнида ишлатилиши мумкин. Диссертациянинг алоҳида масалалари соғлиқни сақлаш ва дорихоналарнинг бошқарилишида, уларнинг раҳбарлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

**Иш тузилиши ва таркиби.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари.** Диссертация тадқиқоти натижасида тавсия этилган илмий янгиликлар илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда, конференциялардаги илмий маърузаларида ўз аксини топди.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.**

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган қатор ғояларнинг амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда, келтирилган илмий тушунчаларни қонунчиликда бирхиллаштириш бўйича қўлланилиши билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган қатор хулосалар эса фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ изланишларнинг асосини ташкил қилиши мумкин.

Илмий раҳбар

____________________

(имзо)

Магистратура талабаси

____________________

THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE

**Faculty:** Pharmacy
**Chair**: Organization of Pharmaceutical busines
**Academic year:** 2012-2014

**Master's student:** Boiskhojaeva AA
**Science supervisor:** prof.Zaynutdinov H.
**Speciality:** 5A230201 Management (Pharmacy)

## ANNOTATION OF THE MAGISTER'S DISSERTATION

**Urgency of a theme of research.**By providing the population medicines pharmacies operate different forms of ownership. Most of which is from private pharmacies. Activities of private pharmacies are regulated by various laws and regulations adopted by the various departments. Lack of an integrated single normative document regulating this field are the cause of some problems in the law and in applying them. This requires a study of private pharmacies with scientific and theoretical point of view.

**Research objectives and problems.**Analyze complex problems of legal regulation of private pharmacies in accordance with their features in ensuring medicines population in market relations and to develop proposals and recommendations to improve national legislation.

**Object of research** - private pharmaceutical activity.Subject of research regulations establishing procedures for the establishment, registration, licensing, termination of private pharmacies.

**Methods and research methodology.**The thesis applied the methods of scientific research knowledge, analysis and synthesis, legal comparison, systematic approach, promoting law and legislation, modeling legal norms.

**Degree of novelty from thescientific pointof views the results ofresearch.** First comprehensive monographic study the legal regulation of private pharmacies, analyzed legislation in this field adopted in the period of independence by separating them into epochs.

The features of the private pharmaceutical activities, as well as the need to regulate the activities of private pharmacies special law "On private pharmacy" whose design was developed and attached to the work.

**Practical importance results of research and realization.** Materials thesis can be used to study some of the topics in the disciplines "Organization farmdela", "Law", "Potentovanie, licensing and certification", "Pharmacy and the law", "Control of pharmaceutical activity." Individual questions can also be used in manual healthcare and pharmacies in the activities of their leaders.

**Structure and composition of work.** The thesis consists of an introduction, three chapters includes nine paragraphs, conclusion, list of references and applications.

**Basic results of the performed work.**As a result, the dissertation research recommended scientific innovation is reflected in the articles published in scientific journals as well as reports at scientific conferences.

**Short generalized statement of conclusions and offers.**

The theoretical significance of the results of the dissertation research is reflected in the improvement of current legislation proposed in the dissertation of scientific concepts are harmonization of legislation. Conclusion of the thesis can be the basis for research on the legal regulation of pharmaceutical activity.

Science supervisor ______________________

Master's student ______________________

## МУНДАРИЖА

**Кириш**...4

**I боб. Ўзбекистон Республикасида дорихоналарнинг фаолиятига оид хуқуқий асослар таҳлили**

1.1. Дорихона муассалари ва уларнинг мулкчилик шаклига кўра таснифланиши...14

1.2. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихона тушунчаси ва моҳияти...23

1.3. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятига оид хуқуқий асослар ва Ўзбекистон Республикасида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун таҳлили...31

I боб бўйича хулосалар...40

**II боб. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини ташкил этишнинг хуқуқий тартибга солиниши**

2.1. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни амалдаги талабларга мувофиқ ташкил этиш жараёни. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби...41

2.2. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни ташкил этишда фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш тартиби...55

2.3. Ўзбекистон Республикаситармок стандарти ССВ 304-буйруги "Дорихоналарнинг моддий техник базаси, хоналари, жихозланиши ва ходимларига белгиланган талаблар"...66

II боб бўйича хулосалар...70

**III боб. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини бекор қилинишининг белгиланган тартибда амалга оширилиши**

3.1. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини кайта ташкил этиш...72

**3.2. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини тугатиш........................................................................................................84**

**III боб бўйича хулосалар..........................................................................94**

**Хулоса ..............................................................................................94**

**Адабиётлар рўйхати..........................................................................97**

**Иловалар..........................................................................................113**

## Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлабоқ инсон, унинг манфаатларини устунлигини эътироф этган ҳолда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришдек улуғвор вазифани ўз олдига қўйди. Шу мақсадга эришиш учун мавжуд бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, дахлсизлиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлигига асосланган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилиниб мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Хозирги кунда аҳолини дори воситалари билан таъминлашда турли мулк шаклларига асосланган дорихоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятини хусусий дорихоналар ташкил этади. Хусусий дорихоналар ўз мулкига эга бўлиб, иқтисодий оборотда ўзи мустақил муносабатларга киришади ва ўз мулки доирасида ўзи жавобгар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, хусусий дорихоналар фаолиятининг ҳуқуқий холати илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилишини тақозо этади. Хусусан, хусусий дорихона тушунчаси, уни аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини, унга қўйиладиган талаблар доирасини ўрганишни тақозо этади.

Хусусий дорихона фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг бир кўринишидир. Бироқ бу фаолият билан ҳар қандай шахс ҳам шуғуллана олмайди. Шунинг учун ҳам хусусий дорихоналар фаолияти билан

шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш, амалдаги хусусий дорихоналар фаолиятида иштирок этаётган шахслар доирасини таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб танланган мавзунинг долзарблиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хусусий дорихоналарнинг кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, ханузгача уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи ягона норматив ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги, хусусий дорихона фаолиятининг у ёки бу жиҳатини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг турли идоралар томонидан ишлаб чиқилганлигида ҳам ифодаланади.

**Тадқиқот объекти** бўлиб ҳусусий фармацевтика фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида фармацевтик фаолият тушунчаси, дорихона тушунчаси, ҳусусий дорихоналарни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, фаолиятини тугатиш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” ги қонун таҳлили эътироф этилади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Бозор муносабатлари шароитида аҳолини дори воситалари билан таъминлашда турли мулк шаклларидаги дорихоналар фаолиятини таҳлил қилиш асосида ҳусусий дорихоналарнинг ўзига хос жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни комплекс холда таҳлил қилиш, ҳусусий дорихоналар ўз фаолиятларини амалга ошириши учун самарали ҳуқуқий база яратиш, шунингдек ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, булар асосида ушбу соҳада миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликдаги мавжуд нормаларни ижроси билан боғлиқ амалиётни янада кучайтириш.

Шу муносабат билан ушбу диссертациянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда дорихона муассалари ва уларнинг мулкчилик шаклига кўра таснифлаш;

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихона тушунчаси ва мохиятини ўрганиш

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятига оид хуқуқий асослар ва Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунни тахлил қилиш

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни амалдаги талабларга мувофик ташкил этиш жараёнини ўрганиш.

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни давлат руйхатидан ўтказиш тартибини ёритиш.

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни ташкил этишда фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш билан боғлиқ тартиботларини таҳлил қилиш.

- Ўзбекистон Республикаситармок стандарти ССВ 304-буйруги "Дорихоналарнинг моддий техник базаси, хоналари, жихозланиши ва ходимларига белгиланган талаблар"ни ўрганиш.

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини кайта ташкил этиш тартибини тадқиқ этиш

- Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш.

Хулосада хусусий дорихоналар фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари**

1. Муаллиф томонидан, фармацевтика фаолияти кенг қамровли фаолият эканлиги, у нафақат дори воситалари, балки тиббий препаратлар ва буюмларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, уларни

синовдан ва тестдан ўтказиш, яратиш, патентлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаштириш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, улар ҳақида ахборот бериш, уларни улгуржи савдосини ташкил қилиш, тақсимлаш, аҳолига етказиб бериш ва сотиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, уларни йўқ қилиш билан боғлиқ фаолият бўлиши билан биргаликда махсус лицензия(рухсатнома)га эга бўлган, аккредитациядан ўтган юридик шахс ҳамда фармацевтик олий ва ўрта махсус маълумот ва малакага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият эканлиги асослантириб берилди.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг шароитлар берилиши фармацевтик фаолиятнинг ҳусусий секторини кўпайишига имконият яратди. Фармацевтик хизмат кўрсатиш муносабатларига бозор механизмини жорий этилиши ҳусусий фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Давлат томонидан фармацевтика фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва сифатли дори-дармонлар билан таъминланишига бўлган Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, фуқароларни дори воситалари билан таъминлаш соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектларни танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги қонунга "Ҳусусий дорихоналар фаолияти" деб номланган бўлим киритилиши лозимлиги асослантириб берилди.

3. Муаллиф томонидан ҳусусий фармацевтик фаолиятга илмий доктринал таъриф берилди, унга кўра, ҳусусий фармацевтик фаолият бу қонунда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган, тегишли тартибда аккредитациядан ўтган фармацевтик хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан ахолини дори воситалари билан таъминлашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

4. Хусусий дорихона учун юридик шахсга хос бўлган умумий ва индивидуаллаштирувчи белгилари мавжуд. Диссертантнинг фикрига кўра хусусий дорихонани бошқа субъектлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида уни албатта давлат рўйхатидан ўтказилиши ва лицензия олиши деб хисоблайди. Хусусий дорихонани давлат рўйхатидан ўтказилиши ва фармацевтик фаолият юритиш учун лицензияга эга бўлишлик фаолиятни бошлаш учун асос хисобланади.
5. Муаллиф, дорихоналар фаолиятини ўрганиш натижасида, дорихона бу махсус, ихтисослашган ташкилот, эканлигини эътироф этиб, у ҳар қандай товарни эмас, балки фақатгина инсон саломатлигини сақлаш учун, уни профилактика қилиш, реабилитация қилиш учун тегишли тартибда сертификатга эга бўлган дори воситалари, тиббий препаратларни савдосини, шунингдек тегишли стандартларга жавоб берган холда дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотишга ихтисослашган бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам унинг мақоми қонунда аниқ белгилаб қўйилиши лозим, деган фикрни илгари суриб, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунда: " ***Дорихона*** *— дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни,* ***тиббий препаратларни****, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи* ***ихтисослашган*** *тиббиёт* ***ташкилотидир",*** *деб белгилаб қўйилмоғи лозим, деб хисоблайди.*
6. Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунни таҳлил қилиш натижасида ушбу қонуннинг номланиши бўйича ўз нуқтаи назарини билдириб, қонун "Фармацевтика фаолияти ва дори воситалари тўғрисида"деб номланиши мантиқан тўғри бўлур эди деган позицияни эгаллайди. Ўзининг бундай ёндашувини фармацевтик фаолиятни амалга ошириш ваколатини қўлга

киритмасдан туриб, дори воситалари билан боғлиқ бўлган биронта ҳаракатни амалга ошириб бўлмаслиги билан изоҳлайди, яъни унинг фикрича бу билан мантиқий тизимлиликка риоя этилган бўлади.

7. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуни нормалари унинг номланишига тўлиқ жавоб бермайди, деган ғояни илгари суради. Хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиб, бизнинг қонунчилигимизни қиёсий солиштириб, олимлар фикрларини ўрганиш натижасида янги таҳрирдаги "Фармацевтика фаолияти ва дори воситалари тўғрисида" ги қонунни қабул қилиш лозим, деган хулосага келади

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.**

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти шароитида фармацевтика фаолиятини, хусусан ҳусусий дорихоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш билан боғлиқ қонунчилик ва ундаги муаммолар диссертацион даражада ўрганилган эмас. Тўғри, МДҲ мамлакатларида тиббий хизмат, хусусан фармацевтик фаолиятнинг айрим масалаларига бағишланган тарихий, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий ва фармацияни бошқариш нуқтаи назаридан тадқиқотлар амалга оширилган ва атрофлича тадқиқ этилган. Жумладан, Коротеева Н. Н. бу масалани тарихий томонидан ўрганиб XVI–XX аср бошларида Россияда фармацияни ташкил этилиши ва ривожланиши масалаларини тадқиқ этган [76]; Севрюк С.А.фармация фаолиятини ҳуқуқий томонларини ўрганиб, Россия Федерациясида фармацевтик фаолиятни фуқаровий ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари устида илмий изланишлар олиб борган. [79] Фармацевт олимлардан Апазов А.Д. Аношин М.Т., Мошкова Л.В Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида дорихона хизматини ривожланишининг долзарб муаммоларини кўтарганлар. [71] Акимцева Г.В. эса бу масалани ҳуқуқий жиҳатидан тадқиқ этиб, тиббий ташкилот фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида:

тиббий фаолиятни лицензиялаш ва аккредитациялашнинг ўзига хос ҳусусиятларини ёритган. [70]

Иқтисодий жиҳатдан бу соҳада илмий изланиш олиб борган Сабо Яношнинг Постмарказлаштирилган иқтисодиётда фармацевтик бозорнинг шаклланиши мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси алоҳида аҳамиятга эга . [83].

Махаллий олимларимиз томонидан фармацевтик фаолият, дорихоналар фаолиятига оид айрим масалалар мақолалар тарзида, дарслик сифатида ёритилган. Масалан, А.Н. Юнусхўжаев таҳрири остида чоп этилган "Фармация ишини ташкил қилиш" дарслигини эътироф этиш мумкин. Бу дарсликда фармация ишини ташкил қилиш бўйича талабалар учун кераклi бўлган асосий масалалар ёритилган бўлиб, фармацевтика фаолиятига оид қонунчилик фрагментал тарзда, унинг айрим масалаларигина умумий тарзда берилган[86].

Биз ўрганаётган муаммонинг айрим жиҳатларинигина, ҳусусан, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш билан боғлиқ муаммолар Г.Х.Зуфарованинг "Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини лицензиялашни такомиллаштириш йўллари" мавзусидаги номзодлик диссертациясида фақат лицензиялашга оид бўлган норматив ҳуқуқий база, Ш.З Умарованинг "Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларни такомиллаштириш"мавзусидаги номзодлик диссертациясида фармацевтик кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ва у билан боғлиқ қонунчилик [84], М.Я.Ибрагимованинг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштиришнинг илмий асослари" мавзусидаги номзодлик диссертациясида қишлоқ аҳолисини дори воситалари билан таъминланишида ҳусусий дорихоналарнинг айрим жиҳатларигина ўрганилган[74] , холос.

Шунингдек, фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш бўйича айрим

илмий мақолаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Хусусан, Э.Р.Ташмухамедов [81]., А.Н. Юнусхўжаев, Х.С.Зайнутдинов [90], Убайдиллаев З. [82] , Умарова Ш.З. [83],

Ҳусусий дорихоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган чуқур фундаментал илмий ишланмаларнинг мавжуд эмаслиги , тобора фармацевтика бозорининг кенгайиб бориши, бу бозорда тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши сифатида рақобатдош бўлган субъектлар орасида кўпайиб бораётган ҳусусий дорихоналарнинг фаолиятида турли муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика фаолияти билан боғлиқ қонунчилигини таҳлил қилиш асосида муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни монографик тарзда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Диссертацияда илмий изланишларнинг билиш, таҳлил, ҳуқуқий-таққослаш, тизимли ёндашув, қонунни ва ҳуқуқни тарғиб қилиш, юридик нормаларни моделлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, фармацевтика фаолияти соҳасидаги ўзбек ва хорижий мамлакатлар олимларининг асарлари ташкил қилади.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти**

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган қатор ғояларнинг амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда, келтирилган илмий тушунчаларни қонунчиликда бирхиллаштириш бўйича қўлланилиши билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган қатор хулосалар эса фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ изланишларнинг асосини ташкил қилиши мумкин.

Диссертация материаллари "Фармация ишини ташкил қилиш", "Ҳуқуқшунослик" фанининг айрим мавзуларини, "Патентшунослик,

лицензия ва сертификатлаш" , "Фармация ва қонунчилик", "Фармация фаолиятининг назорати" фанларини ўқитиш жараёнида ишлатилиши мумкин. Диссертациянинг алоҳида масалалари соғлиқни сақлаш ва дорихоналарнинг бошқарилишида, уларнинг раҳбарлари фаолиятида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги**

Тадқиқотчи томонидан биринчи маротаба монографик тарзда фармацевтика фаолиятини, хусусан ҳусусий дорихоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши соҳасида илмий тадқиқот олиб борилиб, мамлакатимизда мустақиллик даврида бу соҳадаги қабул қилинган қонунчилигимизни даврларга ажратиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари назарий жиҳатидан комплекс тарзда таҳлил қилинди.

Диссертациянинг асосий қисми ҳусусий дорихоналар фаолиятининг алоҳида элементларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, улар юзасидан халқаро ҳамда хорижий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қиёсий –ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилишга бағишланган.

Илмий янгиликларнинг аниқ элементлари қуйидагилардан иборат: "фармацевтик фаолият","дорихона" тушунчаларининг асосий мазмунига ойдинлик киритилди ва уларнинг тушунчасига аниқ таъриф берилди; "хусусий фармацевтик фаолият", "хусусий дорихона"тушунчаларининг қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозимлиги асослантириб берилиб, бу тушунчаларнинг таърифи ишлаб чиқилди; дорихоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик ўрганиб чиқилди ва биринчи маротаба бу соҳадаги қонунчилик тизимлаштирилиб, уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқ баён қилинди; ҳусусий фармацевтик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси ўрганилди, натижада хусусий фармацевтик фаолият билан фақат махсус билимга эга бўлган шахсларгина шуғулланиши мумкин эканлиги тўғрисидаги хулосага келинди.

Хусусий дорихоналарнинг бошка чакана савдо шахобчаларидан фарқли жиҳатлари ўрганилди ва дорихонанинг махсус фармацевтик хизмат кўрсатувчи субъект эканлиги асослантирилиб, унинг давлат рўйхатидан ўтказилаётган вақтида чакана савдони амалга оширувчи субъект сифатида эмас, балки махсус ихтисослашган хизмат кўрсатувчи корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим деган хулосага келинди; хусусий дорихона махсус субъект мақомини олиши учун қўйилиши лозим бўлган талаблар доираси Ўзбекистон Республикаситармок стандарти ССВ 304-буйруги "Дорихоналарнинг моддий техник базаси, хоналари, жихозланиши ва ходимларига белгиланган талаблар" асосида ўрганиб чиқилди ва ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг "Станлартлаштириш тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ янги таҳрирда ишлаб чиқилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди; ҳусусий дорихоналарнинг фармацевтик бозорнинг асосий қисмини эгаллаб бораётганлигини эътиборга олган холда бу соҳада соф рақобат муҳитини шаклантирилиши лозимлиги асослантирилган ҳолда, уларнинг аккредитациядан ўтказилиб турилиши кераклиги, аккредитациядан ўтказиш талаблари ва шартларини белгиловчи нормалар ишлаб чиқилиши даркорлиги кўрсатиб берилди; ҳусусий дорихоналар фаолияти асосан аҳолининг саломатлигини сақлаш билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда бу вазифани ноқонуний амалга оширилиши хусусий дорихона фаолиятини бекор қилиш учун асос бўлиши ёритиб берилди ва бу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи**. Диссертация 114 бетдан иборат, компьютер воситасида "Times New Roman" 14 ўлчамли шрифтни қўллаган холда "Microsoft Word" матн редакторидан фойдаланилган ҳолда баён этилган. Унда кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар акс эттирилган.

## I боб. Ўзбекистон Республикасида дорихоналарининг фаолиятига оид ҳуқуқий асослар таҳлили

### 1.1. Дорихона муассалари ва уларнинг мулкчилик шаклига кўра таснифланиши

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг туб мақсадларидан бири-инсон ҳакида, унинг ҳуқук ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳар бир фукаро учун хеч кимдан кам бўлмаган, юксак турмуш даражаси таъминланган ҳаёт шароитларини яратилишидан иборатдир. Шу нуқтаи назардан республикамиз мустақилликка эришган дастлабки даврлардан бошлабоқ, фукароларимиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқий асослари яратилиб, босқичма–босқич риволантирилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасифукароларининг конституцион ҳуқукларидан бири бу инсон учун берилган энг қадрли неъмат соғлиқни сақлаш ҳуқуқидир.

Республикамиз Президенти И.А Каримов таъкидлаб ўтганидек, "... бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, аҳлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас " [57].

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида тиббиёт, ҳусусан, фармацевтика соҳасида ўтказиб келинаётган ислоҳотлар туфайли аҳолига тиббий ёрдам, дори-дармонлар билан таъминлашнинг кўлами, савияси, сифати кундан-кунга яхшиланиб борилмоқда.

Ҳозирги даврда мулк шаклларининг кўпайиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши фармацевтика соҳасида ҳам тадбиркорлик асосида аҳолига фармацевтик хизмат кўрсатишнинг тараққий этишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ "Фармацевтик фаолият — дори воситаларини, тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини

назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва реализация қилишни қамраб оладиган фаолият" тушунилади.

МДҲ давлатлари қонунчилигини ўрганилганда фармацевтика фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши Россия Федерациясида "Дори воситалари муомаласи тўғрисида"ги қонуни, "Фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тўғрисида" ги ҳукумат қарори, Молдова ва Озарбайжон Республикаларида "Фармацевтик фаолият тўғрисида"ги қонунлари билан Тожикистон Республикасида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун, Қозоғистон Республикасида эса "Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида"ги кодекс билан амалга оширилиши маълум бўлди. Юқорида қайд этилган МДҲ давлатларининг норматив ҳужжатларининг ҳаммасида фармацевтик фаолият тушунчаси берилган бўлиб, улар бу тушунчага турлича ёндошганлар. Масалан, Россия қонунчилигида "фармацевтик фаолият- ўз ичига дори воситаларининг улгуржи савдосини, уларни сақлаш, ташиш ва (ёки) дори препаратларини чакана савдоси, уларни сотиш, сақлаш, ташиш ва тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятдир",- деб таъриф берса, Қозоғистоннинг Кодексида "Фармацевтик фаолият – соғлиқни сақлаш соҳасида дори воситаларини, тиббий ва тиббий техника буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш (тиббий техникадан ташқари), улгуржи ва чакана савдосини амалга ошириш, дори воситаларини, тиббий ва тиббий техника буюмларини сотиб олиш (эгаллаш), сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш, сифатини назорат қилиш, расмийлаштириш, тақсимлаш, фойдаланиш ва йўқ қилиш, шунингдек уларнинг хавфсизлигини, самаралилигини ва сифатини таъминлаш билан боғлиқ амалга ошириладиган фаолият" сифатида эътироф этилади.

Фармацевтик фаолият Молдова ва Озарбайжон Республикаларида "Фармацевтик фаолият тўғрисида"ги махсус қонун билан тартибга солинган бўлиб, Молдова Республикасининг қонунида: "Фармацевтик

фаолият-соғлиқни сақлашнинг илмий-амалий соҳаси бўлиб, ўз ичига дориларни яратиш, уларни стандартлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, улар ҳақида ахборот бериш, уларни аҳолига етказиб бериш ва сотиш билан боғлиқ фаолият, шунингдек фармацевтик корхона ва ташкилотларни, уларни бўлинмаларини бошқариш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилувчи дориларни яратиш ва тестдан ўтказиш бўйича изланишлардан ташқари, фақат фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари доирасида амалга ошириладиган фаолият" , деб тушунча берилган.

Озарбайжон Республикасининг қонунида эса, "Фармацевтик фаолият – дори воситаларини илмий изланишларини олиб бориш, яратиш, синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш, сифатини назорат қилиш, эгаллаш, сақлаш, тарқатиш ва реализация қилиш билан, дори хом ашёсини йиғиш ва тайёрлаш билан боғлиқ фаолият тури",-деб таърифланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аввало, бу давлатларнинг фармацевтика фаолиятни тартибга солувчи қонунчилиги турлича, яъни айримларида махсус қонун билан, айримларида эса қонуности ҳужжати билан (Россия Федерацияси)тартибга солинади. Қозоғистон Республикасида эса соғлиқни сақлашга оид қонунчиликнинг кодефикациялаштирилганлигини кўриш мумкин.

Бизнинг назаримизда фармацевтика фаолияти бу кенг қамровли фаолият бўлиб, у нафақат дори воситалари, балки тиббий препаратлар ва буюмларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, уларни синовдан ва тестдан ўтказиш, яратиш, патентлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, сертификатлаштириш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, улар ҳақида ахборот бериш, уларни улгуржи савдосини ташкил қилиш, тақсимлаш, аҳолига етказиб бериш ва сотиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, уларни йўқ қилиш билан боғлиқ фаолият бўлиши билан биргаликда махсус лицензия(рухсатнома)га эга бўлган, аккредитациядан ўтган юридик шахс ҳамда фармацевтик олий ва



КУТУБХОНА

ўрта махсус маълумот ва малакага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолиятдир.

Демак, бизнинг таърифимиз бўйича ***хусусий фармацевтик фаолият бу қонунда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган, тегишли тартибда аккредитациядан ўтган фармацевтик хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан ахолини дори воситалари билан таъминлашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.***

*Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги қонунини ўрганиш натижасида биз шундай хулосага келдикки, аввало, қонун "Фармацевтика фаолияти ва дори воситалари тўғрисида" деб номланса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Негаки фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмасдан туриб дори воситаларини, яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш реализация қилиш ва ҳ.к. мумкин эмас, яъни дори воситалари устида илмий изланишлар олиб боришдан то уларни реализация қилгунча, ҳаттоки уларни йўқ қилишгача бўлган жараённинг барчаси фармацевтик фаолиятни қамраб олади. Шундай экан қонунимизда, фармацевтика фаолияти билан боғлиқ бўлган барча нормалар ўзида акс этиши лозим. Ҳусусан, фармацевтика фаолияти ва дори воситалари билан боғлиқ тушунчалар, фармацевтика фаолиятини амалга оширишдаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, фармацевтика фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, фармацевтика фаолиятини амалга оширишга бўлган ҳуқуқ, фармацевтика фаолиятининг турлари, фармацевтика фаолиятини амалга ошириш субъектлари, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялаш тартиботлари, ҳар бир фармацевтика фаолиятининг турларини ҳуқуқий холатини очиб берувчи нормалар, фармацевтика фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ нормалар, фармацевтика фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик каби нормалар ў*



TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
KUTUBXONASI

*ифодасини топиши лозим деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, хозирги кунда фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ҳукумат қарори билан тасдиқланган низом асосида тартибга солинади. Ўйлаймизки, бу жараён ҳам ягона қонунда, яъни "Фармацевтика фаолияти ва дори воситалари тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топса, фармацевтик фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун ҳам, аҳолининг бу соҳадаги саводхонлигини ошириш борасида ҳам ижобий самара берган бўлур эди.*

МДҲ давлатлари қонунчилигини ўрганилганда "фармацевтик ташкилот " атамаси ҳам ишлатилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунда фармацевтик ташкилот- дори воситалари ва тиббиёт товарларини олиб кириш, олиб чиқиш, сақлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, сифатини назорат қилиш, самарадорлиги, ҳавфсизлиги, савдоси билан, шунингдек дори хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва доривор ўсимликларни маданийлаштириш, фармацевтик фаолият, дори воситалари ва тиббий товарларни йиғиш,таҳлил қилиш ва улар ҳақида ахборот бериш билан шуғулланувчи ташкилот, корхона ва муассасадир. Уларнинг жумласига қонун чиқарувчи фармацевтика корхоналарини (завод, фабрикаларни) ва дорихона муассасаларини, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи савдо корхоналари, дори хом ашёсини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган корхоналарни киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сонли қарори билан тасдиқланган "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан лицензияланадиган фармацевтика фаолиятининг турларидан бири сифатида эътироф этилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш дорихоналар орқали амалга оширилади.

Қонунчилигимизни ўрганиш шуни кўрсатдики, айрим норматив ҳужжатларимизда биз "Дорихона" атамасини, айрим норматив

ҳужжатларимизда эса "дорихона муассасаси", айримларида эса "дорихона ташкилотлари" терминларини учратдик.

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунда "Дорихона тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра " Дорихона — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси", деб таърифланади.

А.Н. Юнусхўжаевнинг фикрига қараганда: "Амалдаги таҳрирда "Дорихона" атамаси дорихона муассасаларининг фаолиятини тўлиқ қамраб олмайди. Сабаби, дорихоналар, улар филиаллари ва даволаш-касалликни олдини олиш муассасалари дорихоналари ҳамда дори воситалари улгуржи савдоси билан шуғулланадиган корхоналарга берилган лицензияларнинг умумий сони дорихоналар сонидан кўпдир.

Турли мулкчилик шаклларига оид дорихона муассасалари учун қонунчилик ва стандартларда кўзда тутилган талаблар бир хил бўлганлиги учун "Дорихона" атамасини "Дорихона муассасаси" атамасига алмаштириш мақсадга мувофиқ" [95]..

С.А. Севрюк- махсус қонунчиликда "дорихона муассасаси" терминидаги "муассаса" сўзини қўлламасликнинг тарафдори. Унинг фикрига кўра дорихона ва тиббий ташкилотларга нисбатан "дорихона муассасаси", "тиббий муассаса" терминларини қўллаш ўринли эмас. "Муассаса" тушунчаси фуқаролик қонунчилигида юридик шахснинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий шаклини англатиб, дорихона ва тиббий ташкилотлар амалиётини реал акс эттира олмайди. Қонун ҳужжатларида ва улар асосида қабул қилинган норматив ҳужжатларда нотўғри қўлланилган терминлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли низоли ҳолатларни келиб чиқишига, субъектларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини

ҳимояланишининг қийинлашишига сабаб бўлиши мумкин"-деб хисоблайди. [84].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасига мувофиқ: "Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади". Бу нормага мувофиқ муассаса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун тузиладиган ташкилот бўлиб, унинг фаолияти мулкдор томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Фикримизча, дорихона муассасаси, фуқаролик қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, бу аввало махсус вазифа, яъни дори воситаларини тайёрлаш, сақлаш, реализация қилиш билан боғлиқ, тижоратчиликдан иборат бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун тузиладиган ташкилот, яъни фойда олишни мақсад қилиб олмаган ҳолда тузилган ташкилот; иккинчидан, мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот ҳисобланади. Бундай дорихоналар сифатида биз давлат томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилиб туриладиган дорихоналарни, яъни даволаш профилактика муассасаларининг дорихоналарини эътироф этишимиз мумкин.

Бундан ташқари бизда давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик дорихоналари ҳам мавжуд. Улар ҳам давлат томонидан, ҳам акциядорларнинг улушларига кўра молиялаштирилиб турилади ҳамда бу дорихоналаримиз дори воситаларини, тайёрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотиш билан ҳам шуғулланади.

Шунингдек хусусий мулкка асосланган, асосан дори воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи хусусий дорихоналар ҳам мавжуд. Бу

дорихоналар дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширмайди.

Россия Федерациясининг “Дори воситаларининг муомаласи тўғрисидаги қонунда”- “Дорихона ташкилоти- дори воситаларининг чакана савдосини амалга оширувчи, мазкур Федерал қонун талабларига мувофиқ, дори воситаларини, тиббиётда қўллаш учун сақлайдиган, тайёрлайдиган ва сотадиган тиббиёт ташкилотининг ташкилоти, таркибий бўлинмасидир”.[102]

Тожикстоннинг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунида: “Дорихона- бу дори воситалари ва тиббиёт товарларини сақлаш, тайёрлаш, эгаллаш, сифатини назорат қилиш, рецепт асосида ва рецептсиз сотишни, шунингдек тегишли ахборотларни берувчи муассаса”,-деб таърифланади. ”.[101]

Бизнинг фикримизча, дорихона бу махсус, ихтисослашган корхона, чунки у ҳар қандай товарни эмас, балки фақатгина инсон саломатлигини сақлаш учун, уни профилактика қилиш, реабилитация қилиш учун тегишли тартибда сертификатга эга бўлган дори воситалари, тиббий препаратларни савдосини, шунингдек тегишли стандартларга жавоб берган холда дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, сақлаш ва сотишга ихтисослашган бўлиши талаб этилади.Ушбу фикримизнинг тасдиғи сифатида таниқли олим Тошмухамедов Э.Р. қуйидаги фикрларини келтирамиз: “Дорихона иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- дорихона фақат савдо муассасаси бўлмасдан аввало тиббиёт муассасасидир;
-дори воситаларининг асосий қисмини шифокор кўрсатмаси, яъни рецептга, асосан, сотилишига бўлган талабнинг мавжудлиги;
- шифокор рецепти билан сотиладиган дори воситаларини харидорлар ўзига-ўзи хизмат қиладиган бўлимларда, автоматлар орқали ва дорихона муассасаларидан ташқарида согиш тақиқланиши;

- рецепт билан сотиладиган дориларни аҳолига реклама қилиш мумкин эмаслиги;

- айрим дори воситаларининг мавсумий характерга эга эканлиги;

-айрим дори воситалари, масалан, гиёҳванд ва вакцина, зардобларнинг зарур захираларини сақлаш мажбурийлиги;

- дорихоналарнинг кенг миқдорда дори воситалари турлари ва шаклларини сақлаш сиёсатини амалга оширишга мажбурлиги;

- шифокорларнинг тўлиқ танишишга ёки ўз амалиётига киритишга улгурмаган янги дори воситаларининг мавжудлиги;

- эҳгиёжни нотўғри аникдаш натижасида ортиқча миқдордаги дори воситаларинингдорихоналарда йиғилиб қолиши;

- иқтисодий таҳлилсиз эҳгиёжи йўқ бир қатор дорихоналарнинг ёнма-ён очилиши;

- имтиёзли рецептларга, асосан, берилган дори воситалари учун тиббий муассасаларни ўз вақтида ва тўлиқ маблағларни ўтказиб бермасликлари;

- дорихона муассасаларида махсус олий ва ўрта фармацевтик маълумотли шахслар эгаллаши мумкин бўлган лавозимларда, белгиланган тартибда фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи аттестациядан ўтиш ва сертификатли мутахассислар ишлаши мумкинлиги” [80]

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда дорихона мақомини қонунда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонунда: ” ***Дорихона — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий буюмларни, тиббий препаратларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни ва ўсимликларни, маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга***

*оширувчи ихтисослашган тиббиёт ташкилотидир", деб белгилаб қўйилмоги лозим, деб хисоблаймиз.*

## 1.2.Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихона тушунчаси ва мохияти

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга ўтиш вазифасини белгилаб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек олий мақсадни ўз олдига қўйди. Бозор иқтисодиётига асосланган бу тизимда турли мулк шаклларининг, жумладан ҳусусий мулкнинг ҳам амалда бўлишини таъминлаб, давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш ва уларни равнақ топиши учун тенг ҳуқуқ ва кафолатларни таъминлаш вазифасини юклатилди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида фармацевтик фаолият фақатгина давлат мулкига асосланган субъектлар томонидан амалга оширилган эди.

Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришганидан кейин ижтимоий хаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, хусусан аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Соғлиқни сақлаш тизимини, хусусан фармация соҳасини ислоҳ қилиш албатта амалдаги мавжуд тизимни тубдан ўзгартира оладиган ҳуқуқий асослар бўлишини тақазо этади. Бу фикримизнинг тасдиғи сифатида профессор Э.Р.Ташмухамедовнинг фикрларини келтирамиз: "Илгари марказлаштирилган тарзда ишлаб чиқарилган қоидалар асосида фаолият кўрсатган фармацевтика соҳаси, ҳозирги бозор иқгисодиётига ўтиш даврида қонунчилик асосида фаолият кўрсатиши талаб қилинади. Бозор иқгисодиёти шароитида фармацевтика соҳасини бошқариш учун ушбу шароитга мос махсус қонунлар, қонун ости меъёрий ҳужжатлар, тегишли

йўриқнома, стандартлар, регламентлар ишлаб чиқариш лозимлигини хаётнинг ўзи талаб қилади" [80].

Фармацевтика хизмати кўрсатишни замон талабларига мос равишда бўлишига эришиш кун тартибидаги муҳим вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бугунги кунда на фақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларда ҳам замонавий фармацевтик хизмат кўрсатувчи субъектлар доирасининг кенгайиб боришини, уларга етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда қишлоқ аҳолиси учун юқори сифатли тиббий ва фармацевтик хизмат кўрсатишни йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хозирги кунда аҳолини дори воситалари билан таъминлашда республикамизда 2014 йил 1 январь холатига кўра жами 6197 та дорихона бўлиб, улардан 281 таси давлат тасарруфидаги, 203 таси "Дори –дармон" Акциядорлик компанияси тизимидаги, 5448 таси эса хусусий дорихоналардир. Агар бу кўрсаткичларга эътибор билан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дорихоналарнинг аксарияти хусусий дорихоналардан иборат эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу кўрсаткич ўз навбатида мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиб, уларга эркин рақобот муҳитида фаолият кўрсатиш имконияти яратилганлигидан далолат бериб турибди. ( Илова )

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра :"Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди".

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Бир оз тарихга чекиниш сифатида шуни эслатиб ўтиш жоизки, собиқ иттифоқ қонунчилигига асосан фуқароларнинг қатъиян

истеъмолчилик хусусиятига эга бўлган фақат шахсий мулк ҳуқуқини тан олар эди. Шахсий мулк ҳуқуқининининг истеъмолчилик хусусиятига эга бўлганлиги туфайли, фукаролар ўзларига тегишли бўлган мулкдан фақат ўзларининг шахсий, уй-рўзғор оила эхтиёжларини қондириш учун фойдаланардилар, холос. Мол-мулкдан тадбиркорлик асосида даромад олиш мақсадида фойдаланиш, унинг мусодара қилиниши таҳдиди билан тўғридан-тўғри тақиқланарди (ЎзССР ГК нинг 124-моддаси), бундай топилган даромад эса "меҳнатсиз топилган даромад "сифатида баҳоланар эди.

Эндиликда ҳусусий мулк ҳуқуқининг асосий қонунимиз билан кафолатланганлиги фуқароларимиз учун чекланмаган миқдорда даромад олиш имкониятини бермокда. Айнан фармацевтика бозорида ҳам фуқароларнинг ҳусусий мулкига асосланган субъектларнинг рақобат қилиши учун имконият яратилган. Олдинги параграфимизда тўхталиб ўтганимиздек фармацевтика фаолиятини турли мулк шаклларига асосланган фармацевтика ташкилотлари юритмоқдалар, яъни фуқароларимиз ўзларига тегишли бўлган мол-мулклари асосида бу фаолиятда улуш қўшиб ёки ҳусусий мулк асосида иштирок этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши эволюцион йўл билан содир бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Биринчи бор, мулкнинг бир кўриниши сифатида ҳусусий мулк 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган "Мулкчилик тўғрисида"ги қонун билан кўзда тутилган. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан тенг ҳуқуқлилилигини ва дахлсизлигини кафолатлади. !995 йил 21 декабрдаги163-1 сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида ҳусусий мулк ҳуқуқини ривожлантиришдаги ҳал қилувчи босқич бўлди. Айнан

Фукаролик кодексининг 164-моддасида, “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир” , деб қонунлаштириб қўйилди. Бу норма орқали мулк ҳуқуқининг эътироф этилиши шу мулкка нисбатан мулк эгасининг мулкдор бўлишлик, яъни шу мулкнинг хусусияти ва имкониятларини белгилаш ва унга нисбатан тўлиқ хўжалик хукмронлигини амалга ошириш имкониятини беради. Қонунда мулкдорнинг мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини бириктириб қўйиш билан унга бу мулкка нисбатан ўз хукмронлигини амалга оширишнинг юридик имкониятини белгилайди.

Эгалик қилиш ҳуқуқи- шахснинг ашёга нисбатан юридик хукмдорлиги, унга амалда ва хўжалик жиҳатидан эгалик қилишидир. Эгалик қилиш мулк ҳуқуқининг зарурий элементи бўлиб, фойдаланиш ҳуқуқи билан ажралмасдир, чунки ашёдан мустақил фойдаланиш учун бир вақтнинг ўзида унга эгалик қилиш ҳам керак. Мулкга эгалик қилишни мулкдор ҳам, мулкдор билан шартнома асосида ёки ўзга ҳуқуқий асосларда бошқа шахслар ҳам амалга оширишлари мумкин.

Фойдаланиш ҳуқуқи- ашёдан фойдаланиш жараёнида унинг фойдали, хқжалик хусусиятларини юридик жиҳатдан таъминлаган истеъмол қилиш имкониятидир.фойдаланиш ҳуқуқининг мазмунига ашё келтирадиган ҳосил ва даромадларни ўзлаштириш ҳуқуқи ҳам киради. Фойдаланиш ҳуқуқи эгалик қилиш ҳуқуқига асосланади. Шунинг учун ашёнинг фойдали хусусиятларини нафақат мулкдорлар, балки мулкдор эгалик қилиш ҳуқуқи билан ушбу ҳуқуқларни тақдим килган шахслар ҳам олишлари мумкин. Демак, ким мулкка эгалик қилса, у ундан фойдаланиш имкониятига эгадир. Чунки, ашёга эгалик қилмасдан, ундан фойдаланиш мумкин эмас.

Тасарруф этиш ҳуқуқи- мулкдорнинг ашёга нисбатан юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш орқали унинг амалдаги ва юридик тақдирини қонун томонидан кафолатланган белгилаш имкониятидир. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларидан фарқли ўлароқ, тасарруф этиш ҳуқуқи фақат мулк эгасига тегишлидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, хусусий мулкда мулк эгаси бир вақтнинг ўзида бу мулкка ҳам эгалик қилади, ҳам ундан фойдаланади, ҳам уни тасарруф қилиш фақат унгагина тегишли бўлади.

2003 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида хусусий корхонага таъриф берилган бўлиб, унга кўра: “Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади”.

Бу қонун нормаларини хусусий дорихоналарга нисбатан қўллайдиган бўлсак, хусусий дорихонанинг мулкдори, аввало унинг эгаси хисобланади. Бу дорихона фаолиятини юритиш, бу мол-мулкдан фойдаланиш ҳам фақат унинг ваколати доирасига киради. Шунингдек дорихона фаолиятини амалга ошириш натижасида (қонунда белгиланган

солиқ ва тўловларни амалга оширганидан кейинги ) олган даромадларини тақсимлаш, яъни тасарруф этиш ҳуқуқи қонунга мувофиқ унга берилган. Бу ҳуқуқларни ҳар қандай бузилиш холатлари суд тартибида даъво киритиш орқали ҳимоя қилинади.

Хусусий дорихона фаолияти фақат унинг мулкдори томонидан бошқарилиши мумкин. Бошқа хусусий корхоналардан фарқли равишда хусусий дорихонанинг мулкдори махсус билимга эга бўлган, фармацевтик маълумотга эга бўлган (бу ҳақда диссертациянинг 11 бобида батафсилроқ тўхталинади) шахс бўлиши лозим

Хусусий дорихона юридик шахснинг ташкилий ҳуқуқий шакли хисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва МДҲ давлатлари фуқаролик қонун ҳужжатлари учун анъанавий бўлган юридик шахс белгилари изчиллигига амал қилади. Ушбу белгилар ташкилий бирлик, алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган мулк билан жавоб бериш, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиш ва мажбуриятларга эга бўлиш, шунингдек , судда даъвогар ва жавобгар бўлиш лаёқатидан иборат.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс таърифи берилган бўлиб, ушбу кодекснинг мазкур моддасига берилган шарҳларда шундай дейилади: “ФК да юридик шахс белгилари ажратилиши нафақат назарий, балки амалий мақсадлар билан белгиланган ва айнан, том маънода эмас, балки ҳуқукни қўллаш позициясидан келиб чиққан ҳолда кенгроқ шарҳланиши лозим, чунки ушбу белгилар рўйхати нафақат юридик шахс фаолиятини ташкил қилиш мазмунини, балки тамойилларига нисбатан ҳам умумий талабларни белгилаб беради. Ушбу белгилардан ҳар бирининг мавжудлиги зарурий хисобланади уларнинг жами йиғиндисигина бирор-бир ташкилот ёки муассасанинг юридик шахс сифатида тан олинишига асос бўлиши мумкин "[ 87].

Хусусий дорихонанинг юридик шахс сифатидаги ташкилий бирлик белгиси унинг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги уставида

мустаҳкамланган бўлади. Хусусий дорихонанинг ташкилий бирлиги унинг яккабошчилик асосида бошқарилишида намоён бўлиб, унинг фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида ягона иродали субъект сифатида иштирок этиш имкониятини белгилайди.

Хусусий дорихонанинг юридик шахс сифатида мулкий мустақиллиги деганда, унинг ягона мулкий комплексга бирлаштирилган ва қолган иштирокчиларнинг мулкидан чегараланган у ёки бу турдаги турли фуқаролик ҳуқуқи объектларига мустақил мулк ҳуқуқлар эгаси бўлиш лаёқати тушунилади. Хусусий дорихонанинг мулкий мустақиллиги (алоҳида мол-мулкка эгалиги) унинг мустақил фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиги, унинг ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб бериш лаёқати билан узвий боғлиқ, чунки қонунчиликка мувофиқ юридик шахс мол-мулкини алоҳида ажратишнинг маъноси эҳтимолий кредиторлар ундириб олишни қаратиши мумкин бўлган (юридик шахс иштирокчиларининг бошқа мулкини ундан фарқлаш учун) моддий объектларни, яъни молиявий маблағларни ва ҳ.к. ажратишга асосланади.

Юридик шахснинг, хусусан, хусусий дорихонанинг ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш, мажбуриятларни бажара олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш қобилияти – юридик шахснинг ўзига хос якуний белгилари ва муайян даражада уни ташкил қилишдан кўзланган мақсаддир. Барча ашёвий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларида хусусий дорихона доимо ўз номидан иштирок этади ва унинг ўз номидан шахсий номулкий ҳуқуқ эгаси сифатида фойдаланиши уни бошқа унга ўхшаш субъектлардан ажратиш имконини беради

Хусусий дорихонанинг мустақил балансга эга бўлиш мажбурияти ҳам юридик шахс белгиларига киритилган, чунки ушбу ҳужжатларнинг мавжудлиги кўп жиҳатидан хусусий дорихонанинг реал мулкий жиҳатдан алоҳида ажратилиши ва қонунчилик нуқтаи назаридан унинг мулкий мустақиллигини ташкиллаштиришни таъминлайди. Молиявий қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юридик шахс баланси юридик шахснинг

бухгалтерия баланси ибораси билан аталиши шарт ва у юридик шахснинг барча мол-мулки, тушумлари, харажатлари, активлари ва пассивларини акс эттирувчи ва юридик шахснинг муайян санадаги ҳақиқий молиявий аҳволини тавсифловчи ҳужжат кўринишида намоён бўлади "[ 80]..

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусий дорихона ҳам юридик шахс хисобланиб, юридик шахсга хос бўлган умумий белгилар унга ҳам хосдир. Аммо боша юридик шахсларга хос бўлмаган ўзига хос, уни индивидуаллаштирувчи белгилари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим:

1. Хусусий дорихонанинг фақат ҳусусий мулкка асосланганлиги.
2. Унинг фаолияти шу хусусий мулк эгаси томонидангина бошқарилиши шартлиги.
3. Хусусий дорихона мулкдорининг албатта олий фармацевтика маълумотига эга бўлишлиги.
4. Хусусий дорихонанинг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари талаб стандартларига жавоб бериши лозимлиги.
5. Хусусий дорихона ходимларининг фармацевтик маълумотига эга бўлишлиги.
6. Хусусий дорихона фаолияти тегишли тартибда олинган лицензия асосида амалга оширилиши .
7. Хусусий дорихона қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган бўлиши.
8. Хусусий дорихона давлат рўйхатидан ўтгачгина юридик шахс мақомини олади.

***Хулоса сифатида хусусий дорихонага қуйидагича таъриф бериш лозим деб хисоблаймиз: Хусусий дорихона –ягона мулкдор, олий малумотли фармацевт, томонидан тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия асосида қонунда белгиланган тартибда***

***фармацевтик фаолиятни амалга ошириш учун ташкил этилган махсус ташкилотдир.***

## 1.3. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятига оид ҳуқуқий асослар ва Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун таҳлили

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлабоқ инсон, унинг манфаатларини устунлигини эътироф этган ҳолда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини қуришдек улуғвор вазифани ўз олдига қўйди. Шу мақсадга эришиш учун мавжуд бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, дахлсизлиги ва ҳуқуқий ҳимоялангaнлигига асосланган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, босқичма-босқич бу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"да "ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, давлат ва жамиятнинг ёрдамига таяниш ҳуқуқига эга" эканлиги эълон қилинган. Бу қоида республикамизнинг асосий қомуси бўлган 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси мазмунида ўз ифодасини топган бўлиб, унда: "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" эканлиги кафолатланган.

Республикамизда аҳоли саломатлигини саклаш, уларни дори-дармонлар билан таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси инсонпарварлик билан ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ва кафолатлаш, инсон ҳаёти, соғлиғи, турмуш шароити ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Ушбу қонунларга асосан, аҳолини дори-дармон билан таъминловчи муассасаларнинг мақоми тубдан ўзгартирилди, яъни давлат мулкига асосланган дорихона муассасалари билан бир қаторда бошқа мулк шаклларига, жумладан хусусий мулкка асосланган дорихоналарнинг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда мустақилликка эришгандан кейинги даврда соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунларимизни қуйидаги даврларга ажратишимиз мумкин:

**1-давр** ўз ичига 1991-1996 йилларни қамраб олиб, бу босқичда мамлакатимиз қонунчилигида собиқ иттифоқ қонунчилиги учун ёд бўлган тушунчалар- хусусий мулк, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, акция, акциядорлик жамияти ва бошқа кўпгина шу каби тушунчалар пайдо бўлди. Ушбу тушунчалар собиқ иттифоқ қонунчилигида жиноят сифатида талқин этилиб, унга нисбатан жиноий жазо белгиланиши назарда тутилган бўлса, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қонунларимизда давлат мулки, жамоа мулки билан бир қаторда шахсга даромад олиш имкониятини берувчи хусусий мулкнинг ҳам амалда мавжуд бўлиши мумкинлигини кафолатловчи қонунлар қабул қилинди, улар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда. Тараққиётимизнинг ушбу босқичида давлат мулкининг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишининг ҳуқуқий асослари яратилди ва давлат мулки монополизмига барҳам берилди. Бу босқичда янги қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда, маъмурий буйруқбозлик тизимининг услубларини ўзида мужассам этган ва тадбиркорлик субъектларининг

эркин фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи нормалар, қонунчиликда бир-бирига зид келувчи нормалар ҳам мавжуд эди. Ана шундай шароитда ўз умрини яшаб бўлган эски нормалардан самарали фойдаланилгани ҳолда янги ҳуқуқий асослар босқичма-босқич вужудга келтирилиб, уларни бозор тамойилларига ва қоидаларига мос бўлишига эришиш ўта долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, бу вазифа муваффақиятли бажарилди ва мамлакат иқтисодиётини қулаб кетишига йўл қўйилмади, эскиси барбод қилинмагани ҳолда айни пайтда янгича муносабатлар вужудга келтирила бошланди.

Республикамиз Президенти ўша даврларда мамлакат олдидаги вазифаларни белгилар экан, қуйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: "Энг муҳими ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига, жамики куч-қувват ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ хўжалигини барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизини вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак" [58], яъни ушбу босқич давлатчилигимиз, ижтимоий ҳаётимиз, иқтисодий ривожланишимиз пойдеворини яратиш даври бўлди. Бу даврда бозор муносабатларини ҳаракатга келтирувчи куч – тадбиркорлар, ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу вазифа ҳам муваффақиятли бажарилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [1], "Мулкчилик тўғрисида", "Давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги[16], "Корхоналар тўғрисида"ги, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги , "Ижара тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони[23], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тизимидаги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги[39], “Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил қилиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги[40], “Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари[42] ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, аввало улар орқали асосий қомусимиз бўлган Конституцияда фуқароларнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган нормалар белгиланди. Шунингдек фуқоролар соғлиғини-сақлаш, уларни дори-дармон билан таъминланишидаги бошқарув тизими қайта кўриб чиқилди, давлат тассаруфидаги дорихона муассасалари янги мулк шаклларига асосланган корхоналарга айлантирилишининг ҳуқуқий асослари белгиланди. Бу билан бозор иқтисодиётининг иқтисодий асоси бўлган турли мулк шаклларининг фармацевтика соҳасига ҳам кириб келиши учун ҳуқуқий замин яратилди, яъни бу соҳада ҳам мулкдорлар синфининг шаклланишига, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берилди.

Фармацевтика маҳсулотлари, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификациялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида Доривор воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасини ташкил этилди.

Бош бошқармага доривор воситалар ва диагностика воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, доривор воситалар, тиббий буюмлар, даволаш озиқ-овқатлари ва тиббий техникани экспертизадан ўтказувчи, стандартлаштирувчи, рўйхатдан ўтказувчи ва сертификацияловчи

муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш юклатилди[42],.

Шуни эътироф этиш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда 2570 та давлат мулкига асосланган дорихоналар мавжуд эди. Улардан, 352 таси шифохоналараро дорихоналар бўлиб, уларни давлат тасарруфидан чиқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ таъқиқланди. Қолган дорихоналар, дорихона омборхоналари, санитар-гигиена анжомлари магазинларини давлат тасарруфидан чиқариб, 1994 йилда жами 2218та жамоа мулкига асосланган, акциядорларнинг мулкига ва фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган шаклдаги дорихоналарга айлантирилиши назарда тутилди [39 ].

1994 йилнинг охирига келиб, 239 та акциядорларнинг мулкига асосланган, 290 та жамоа мулкига асосланган ва 1059 та ҳусусий мулкка асосланган дорихоналар ташкил топди. (Илова 1)

**2-давр** 1996-2007 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу даврни, фикримизча, мустақиллик қўлга киритилганидан кейин соғлиқни-сақлаш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг муҳим даври деб ҳисоблаймиз. Чунки соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий қонунларнинг қабул қилиниши айнан шу даврга тўғри келади. Хусусан, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги (1996 йил 29 август,265-I-сон) [3]. "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги(1997 йил 25 апрель,415-I-сон) [4]. , "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида" (1999 йил 19 август, 813-I-сон), "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги[6]., "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (1996 йил 26 апрель, 223-I-сон)қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" ги (1998 йил 10 ноябрь, ПФ-2107-сон) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини

ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1996 йил 14 август, 283-сон) [39]., "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида" ги (2003 йил 16 июль,315-сон) [42]., "Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги (2003 йил 12 сентябрь,397-сон) [40]., "Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги (2003 йил 29 октябрь, 472-сон) [43].,"Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги (2003 йил 31 октябрь,477-сон) қарорлари [41]. ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқаролар соғлиғини сақлашга бўлган конституциявий кафолатларининг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу махсус қонун ҳужжатларига мувофиқ фармацевтика фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ нормалар белгилаб қўйилди.

Ана шу энг муҳим норматив ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида"ги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳужжат бу босқичнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ҳусусан унда 1998—2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси белгилаб берилди. Айни ҳусусий секторни шакллантириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлатга тегишли бўлган дорихоналарни бўлғуси мулкдорлар узоқ муддатли ижарага олиб, кейинчалик уларни хусусий мулк қилиб сотиб олиши тарзида давлат тасарруфидан чиқариш тажрибаси кенгайтирилиши, хокимликлар томонидан хусусий даволаш-профилактика муассасаларини барпо этиш учун ер майдонлари ажратилишини ҳамда одам яшаши учун

мўлжалланмаган бинолар сотилишини таъминлашлари, молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги кредит линиялари очилиши назарда тутилди. Давлат дастури талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг янгиларини ишлаб чиқиш белгиланди.[ 24]

Бу даврда мамлакатимиз тиббиёт ва фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришни таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилишга, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга турли имтиёзлар бериш йўли билан уларни давлат томонидан қўллаб –қувватлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахслар томонидангина амалга оширилишига рухсат этилди. Фармацевтик фаолият инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган соҳа бўлганлиги учун хам унга алоҳида эътибор берилиб, бу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рухсатнома(лицензия)га эга бўлгандан кейингина шуғулланилиши мумкинлиги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. [4]

Соғлиқни сақлашни ривожлантирирtriшнинг **3-даврини** 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармонининг қабул қилиниши билан бошланган деб ҳисоблаймиз. Чунки айнан мазкур ҳужжатда мустақилликка эришилганидан кейин тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилганлиги, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилганлиги қайд этилиб, хусусий секторнинг изчиллик билан

шакллантирилиб борилаётганлигига баҳо берилган ва шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимидаги камчиликлар рўйи-рост танқид остига олиниб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилди[30]. Бу даврда қабул қилинган норматив ҳужжатлар ичида 2007 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори[31], 2007 йил 19 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида" Қарорлари[32], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, 2008 йил 3 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори[50],, 2010 йил 7 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори[33],, 2010 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари[51], алоҳида аҳамиятга молик. Негаки, бу ҳужжатлар тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида, хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши учун бажариши лозим бўлган мажбурий талаблар ва шартларни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган

тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом, шунингдек, тиббиёт фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги янгиланган низомларни қабул қилиш зарурлиги ва бунда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хусусий тиббиёт муассасалари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширишнинг алоҳида регламенти назарда тутилиши лозимлиги белгиланган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 апрелдаги ПҚ-1319-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 13 майдаги 91-сон қарорига мувофиқ "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлади.

2010 йил 19 майдаги 246-сонли Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги 265-I-сонли Қонунига асосан ушбу қонуннинг 10-, 11-моддаларига ўзгартишлар киритилиб, 11-моддасига асосан: «Тиббий фаолият тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан, фармацевтика фаолияти эса тегишли лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин»лиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунининг 7-моддасига асосан "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади". "Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига ўз маблағлари, жалб этилган маблағлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, шунингдек хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар киради»[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ ,Фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг турларидан бири бўлиб, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш ҳисобланади. Бу фаолиятни асосан хозирги кунда турли мулк шаклларига асосланган дорихоналар амалга оширмоқда. Уларнинг аксариятини хусусий дорихоналар ташкил этади. Хусусий дорихоналар ўз мулкига эга бўлиб, иқтисодий оборотда ўзи мустақил муносабатларга киришади ва ўз мулки доирасида ўзи жавобгар ҳисобланади. Аммо, хусусий дорихоналарнинг ҳуқуқий холати на илмий, на назарий ва на амалий жиҳатдан ўрганилган эмас. Шу нуқтаи назардан хусусий дорихона тушунчаси, уни аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини, унга қўйиладиган талаблар доирасини ўрганишни тақозо этади. Фикримизча, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, келгусида биз таклиф этаётган “Фармацевтика фаолияти ва дори воситалари тўғрисида” ги қонуннинг асосий тушунчалар қисмида “ҳусусий дорихона“ тушунчасига таъриф берилса, фармацевтика фаолиятини амалга ошириш субъектлари” бўлимида эса алоҳида ҳусусий дорихоналарнинг фаолиятини ўзида мужассамловчи нормалар ўзининг ифодасини топса қонунчилигимиздаги бу бўшлиқ тўлдирилган бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

**I боб бўйича хулосалар**

Ўрганилган адабиётлар ва мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунчилик таҳлили натижасида бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг шароитлар берилиши фармацевтик фаолиятнинг ҳусусий секторини кўпайишига имконият яратилганлиги асослантирилди ва бу соҳадаги қонунчилик даврларга ажратилиб тизимлаштирилди. Шу билан бирга фармацевтик хизмат кўрсатиш муносабатларига бозор механизмини жорий этилиши ҳусусий фармацевтика фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини

такомиллаштиришни тақозо этади. Давлат томонидан фармацевтика фаолиятини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва сифатли дори-дармонлар билан таъминланишига бўлган Конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, фуқароларни дори воситалари билан таъминлаш соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектларни танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиш зарурияти мавжуд деган хулосага келинди.

## II боб. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини ташкил этишнинг хуқуқий тартибга солиниши

### 2.1. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни амалдаги талабларга мувофиқ ташкил этиш жараёни

Хусусий дорихоналар фаолиятини ташкил этиш деганда, хусусий дорихонага юридик шахс мақомини олиш учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга қаратилган хракатлар мажмуи тушунилади.

Олдинги бобда юритган фикр-мулоҳазаларимиз асосида хусусий дорихона бу тадбиркорлик субъекти бўлиб фойда олишни кўзлаган ҳолда фармацевтик фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс хисобланади.

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик назарияси тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг қуйидаги усулларини таснифлайди: таъсис фармойиш, таъсис, таъсис-рухсат ва шартномавий-таъсис. Бундай таснифлаш тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиниши кимнинг хоҳиш иродасига ва қандай тартибда амалга оширилаётганлигига қараб амалга оширилади. Масалан, таъсис фармойиш усулида тадбиркорлик субъектлари давлат ваколатли органларининг фармойиши асосида ташкил этилади. Таъсис усулида юридик шахс ягона мулк эгаси томонидан ташкил этилади. Юридик шахсларни таъсис-рухсат тартибида ташкил этилиши

умумий қоидага кўра шуниси билан ажралиб турадики, бунда юридик шахсни ташкил этиш ташаббуси давлат органидан эмас, балки хусусий шахслардан чиқиб, олдин давлат органидан рухсат олиш зарурати билан боғлиқ. Давлат органи мазкур юридик шахснинг ташкил этилишининг қонунийлигини ва мақсадга мувофиқ эканлигини текширади ва бунга тегишли равишда рухсат беради.

Шартномавий-таъсис усули эса муассисларнинг сони икки ва ундан ортиқ шахслардан иборат бўлган тақдирда, улар ўзаро шартнома тузиш асосида юридик шахсни ташкил этадилар.

Юқорида қайд этилган усулларнинг ҳар бири юридик шахсларнинг ташкил этилиши устидан давлат назоратини амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-моддасига асосан: "Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади".[2]

Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ:" Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди". ".[7]

Юқоридагилардан келиб чиқиб хусусий дорихоналарнинг ташкил этилиши таъсис-рухсат усулида амалга оширилади, деган хулосага келдик. Бундай хулосага келганлигимизнинг боиси, аввало, хусусий дорихона "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунга асосан мулк эгаси томонидан ташкил этилади. Хусусий дорихона бу махсус субъект сифатида, яъни аҳолини дори-дармон ва бошқа тиббий воситалар билан таъминлашга қаратилган фаолият билан шуғулланганлиги учун ҳам, бу эса давлатнинг

муҳим вазифаларидан бири бўлмиш аҳолини саломатлигини сақлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу фаолият билан фақат махсус рухсатнома олингандан кейингина шуғулланилиши мумкин.

Фуқаролик қонунчилиги юридик шахсларни ташкил этишнинг якунловчи босқичи сифатида унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлигини белгилайди. Бунда ваколатли давлат органи ташкилотни ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши уларнинг вужудга келиши ва фаолиятининг қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларида белгиланган доирада легаллашувини билдиради. Бироқ, қонунчиликда ушбу холат ўз ифодасини топмаган. Шу нуқтаи назардан биз, ҳуқуқшунос олим проф. О.Оқюловнинг юридик шахс тушунчасини такомиллаштириш лозимлиги ҳақидаги фикрининг тарафдоримиз. У: "Ўзбекистонда юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг қатъий тартиби белгиланган. Бу уларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаолияти юритишининг мажбурий шартларидандир. Шундай экан юридик шахс тушунчасида давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий эканлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, тушунчани қуйидагича қайд этиш мумкин: Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган, ***белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган*** ташкилот юридик шахс ҳисобланади "-дейди.[82]

Табиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш таомиллари мамлакатимизда босқичма-босқич соддалаштириб борилмоқда. Хозирда бу жараённи ҳуқуқий жихатидан тартибга солиниши қатор норматив ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"

ги, махсус қонунлардан "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият тўғрисида" ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва хисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида тартибга солинади.

Мустақиллик даврида тадбиркорлик субъектларини расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида рухсат берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиб борилди, шунингдек барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида"бир дарча"принципи асосида амалга оширилиши таъминланди [22].

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг, Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225- сон қарорининг қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларининг турли органлардан рухсат олиши қисқартирилди ва уларни рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби жорий қилинди. Бу билан мамлакатимизда рухсат бериш тартиботлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқукларини таъминланишининг янги принципининг жорий этилишига асос бўлди, яъни:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат

хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши;

- Рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги;
- Рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;
- Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши;
- Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги;
- тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги.

Хусусий дорихонани айни пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги " Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари" томонидан амалга оширилади. Рухсат бериш тартибида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш, реестрни юритиш, солиқ ва статистика органларида уларни хисобга қўйиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномани барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан қўшиб берилади.

Хусусий дорихонани юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга (шахсан келиб, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали) қонунда белгиланган тартибда ёзилган ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага :

- давлат тилидаги уставининг икки асл нусхаси;
- давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати

➢ фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль

➢ икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки 12 май 2011 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига асосан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди, шунингдек уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир баравари миқдорида қилиб белгиланди [34].

Қонунчиликка мувофиқ хусусий дорихонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш унинг мулкдори(муассис)нинг ихтиёрига кўра унинг ўзи томонидан ёки шартнома асосида Савдо-саноат палатаси, консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Хусусий дорихонанинг таъсис ҳужжати бўлиб, унинг устави ҳисобланади. Устав хусусий дорихона фаолиятининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий асосларини шу дорихонага нисбатан конкретлаштиради. Хусусий дорихонанинг бошқа субъектларга нисбатан ҳуқуқий лаёқатини белгилайди.

Хусусий дорихонанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

➢ дорихонанинг фирма номи;

➢ унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;

➢ асосий фаолият турларининг рўйхати;

➢ мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

➢ устав фондининг миқдори.

Дорихонанинг фирма номи бу унинг фармацевтик бозорда рақобатбардош бошқа шу каби субъектлар ичида индивидуаллаштириш мақсадига хизмат қилади, яъни унинг фарқловчи белгиси хисобланади ҳамда хусусий дорихона ушбу номдан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эга бўлади. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи хусусий корхоналарнинг номланиши мазмунини тартибга солувчи бир қатор мажбурий қоидаларни белгилайди [ 9].

Унга кўра хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Амалдаги қонун ҳужжатларида юридик шахсларнинг ташкил этилиши пайтиданоқ ўхшаш фирма номларини пайдо бўлишининг олдини олиш ҳуқуқий механизми кўзда тутилган. Хусусан, 12 май 2011 йилдаги Ўзбекистон РеспубликасиПрезидентининг " Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига асосан Ўзбекистон РеспубликасиДавлат статистика қўмитаси 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра, интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш амалиёти жорий қилинди.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар муассис рўйхатдан ўтказувчи органга давлат статистика органлари томонидан юридик шахс ўзига расмийлаштиришни сўраган фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт.

Хусусий дорихонанинг уставида кўрсатилиши лозим бўлган уни индивидуаллаштирувчи белгиларидан яна бири бу унинг жойлашган ери ва почта манзилидир. Умумий қоидага кўра, юридик шахснинг жойлашган ери муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, у орқали кўплаб ҳуқуқий ва амалий масалалар хал этилади. Хусусан, хусусий дорихона иштирок этаётган мажбуриятларни ижро этиш, солиқ тўловларини амалга ошириш ёки низоларни судда хал қилиш ва ҳ.к. учун унинг жойлашган ери муҳим аҳамиятга эга. Уставда жойлашган ери билан биргаликда унинг почта манзилини аниқ кўрсатилиши талаб этилади. Амалиётда юридик шахсларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жойларини ўзгартириш холатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1994 йил 14 июлдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг " Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида дори-дармонлар ва тиббий буюмларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан дорихона муассасаларидан ташқарида бозорларда, кўчада, жамоат жойларида ва уйда сотилиши қатъиян тақиқланганига қарамасдан, амалда бундай фактларнинг учраётганлик холатлари мавжуд.

Шунингдек уларнинг давлат рўйхатидан ўтиш вақтида уставида кўрсатилган жойлашган ери билан айни вақтда жойлашган почта манзилидан фарқланиш холатларининг мавжудлиги ҳам амалиётда, хусусан шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан келиб чиққан низоларни ўз вақтида ҳал этилишида муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундай қонун бузилиш холатлари амалиётда учраб турганлигини ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши лозимлиги ҳақида олимларимиздан Ш.Умарованинг фикрлари эътиборга лойиқ [90].

Шунинг учун ҳам хусусий дорихонанинг уставида унинг жойлашган жойи ва почта манзили аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Ўз навбатида давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан ушбу ташкил этилаётган субъектнинг мазкур уставда кўрсатилган манзилда эканлик фактини аниқлаштириши мақсадга мувофиқ.

Хусусий дорихона уставида кўрсатилиши шарт бўлган энг муҳим талаблардан яна бири бу унинг амалга ошириши мумкин бўлган фаолият турларидир. Шу ўринда айтиш жоизки, хусусий дорихона ўзининг уставида ҳар қандай фаолият турини кўрсата олмайди, у фақатгина хусусий фармацевтика фаолиятинигина амалга ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам бу фаолият турларини аниқ белгилаб қўйиши лозим. Шу ўринда қайд этиш лозимки хусусий дорихона фармацевтик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларнинг энг сўнгги, яъни дори воситалари ва тиббиёт буюмларини истеъмолчига етказувчи субъектдир. Эътироф этиш жоизки, хусусий дорихона фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи, масалан, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, улгуржи савдосини амалга оширувчи ташкилотлардан фаркланади. Унга фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган лицензия тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни сотиб олиш ҳамда сотиш ҳуқуқига эга бўлган дорихона сифатида берилади. Демак, хусусий дорихона дори воситаларининг чакана савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқини киритади. Хусусий дорихона чакана савдони амалга оширувчи субъект бўлсада, аммо у бошқа субъектлардан фаркланади.[85]

Профессор Э.Р.Тошмухамедов унинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкинлигини қайд этади:

- дорихона фақат савдо муассасаси бўлмасдан аввало тиббиёт муассасасидир;

-дори воситаларининг асосий қисмини шифокор кўрсатмаси, яъни рецептга, асосан, сотилишига бўлган талабнинг мавжудлиги;

- шифокор рецепти билан сотиладиган дори воситаларини харидорлар ўзига-ўзи хизмат қиладиган бўлимларда, автоматлар орқали ва дорихона муассасаларидан ташқарида сотиш тақиқланиши;
- рецепт билан сотиладиган дориларни аҳолига реклама қилиш мумкин эмаслиги;
- айрим дори воситаларининг мавсумий характерга эга эканлиги;
-айрим дори воситалари, масалан, гиёҳванд ва вакцина, зардобларнинг зарур захираларини сақлаш мажбурийлиги;
- дорихоналарнинг кенг миқдорда дори воситалари турлари ва шаклларини сақлаш сиёсатини амалга оширишга мажбурлиги;
- шифокорларнинг тўлиқ танишишга ёки ўз амалиётига киритишга улгурмаган янги дори воситаларининг мавжудлиги;
- эҳтиёжни нотўғри аниқдаш натижасида ортиқча миқдордаги дори воситаларинингдорихоналарда йиғилиб қолиши;
- иқтисодий таҳлилсиз эҳтиёжи йўқ бир қатор дорихоналарнинг ёнма-ён очилиши;
- имтиёзли рецептларга, асосан, берилган дори воситалари учун тиббий муассасаларни ўз вақтида ва тўлиқ маблағларни ўтказиб бермасликлари;
- дорихона муассасаларида махсус олий ва ўрта фармацевтик маълумотли шахслар эгаллаши мумкин бўлган лавозимларда, белгиланган тартибда фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини .берувчи аттестациядан ўтиш ва сертификатли мутахассислар ишлаши лозимлиги.[85]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига асосан "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари" тасдиқланган бўлиб, унинг 187-бандида дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилган, яъни бу норма дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдоси ўзига хос хусусиятларга эгалигини кўрсатиб турибди. Дори воситаларининг чакана

савдосини амалга ошириш тартиботлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидалари”га асосан тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хусусий дорихона унинг давлат рўйхатидан ўтказилаётган вақтида чакана савдони амалга оширувчи субъект сифатида эмас, балки махсус дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш ва сотишга ихтисослашган хизмат кўрсатувчи корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим деган хулосага келинди.

Хусусий дорихона уставида юқорида қайд этилган холатлардан ташқари мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи кўрсатилиши лозим.

Хусусий дорихонанинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги дорихоналардан фарқли жиҳати шундаки, .“Хусусий корхона тўғрисида” ги қонунга мувофиқ хусусий дорихонани фаолиятига раҳбарлик қилиш унинг мулкдори томонидан амалга оширилиши лозим .

Германия, Испания, Франция, Греция, Португалия, Голландия ва бошқа континентал Европа давлатларида хусусий дорихоналарнинг мулкдори сифатида тегишли тартибда фармацевтик маълумотга эга бўлган шахслар тан олиниши билан бирга дорихона ишини бошқариш ҳам фақатгина улар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу давлатлар қонунчилигининг яна бир муҳим жиҳати мулкдор ўзининг эгалигида фақатгина битта дорихонага эга бўлиши мумкинлиги белгиланган. Италияда фармацевт икитадан ортиқ бўлмаган дорихона муассасига эга бўлиши мумкин. Ирландияда мулкдор сифатида ўз дорихонасига эга бўлиши мумкин, фақат, агар уни бошқаришни фармацевтга юклаб қўйган бўлса. Буюк Британияда ҳар

кандай шахс дорихона мулкдори бўлиши мумкин, бирок уни бошқариш фақат фармацевт томонидан амалга оширилиши лозим.

Хусусий дорихона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, дорихона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий дорихонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда хисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади. Демак, қонунчилик хусусий дорихоналарни бошқариш унинг мулкдори томонидан амалга оширилиши лозимлигини белгилаши билан бирга, унинг олий фармацевтик маълумотга эга бўлишини ҳам талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси "Фукаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунга асосан тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахсларгина эга бўладилар. Шу ўринда қонуннинг ушбу нормаси назаримизда тўлдиришни тақозо этади. Негаки, олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломга эга бўлишликнинг ўзи тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқукини бермайди, деб хисоблаймиз. Масалан, фармацевтика олий ўқув юртини тамомлаб, дипломга эга бўлган шахс дейлик 10 йил давомида бу соҳада меҳнат қилмади, яъни фақат дипломга эга бўлишликнинг ўзи билан дорихоналарда ишлаш ҳуқуқи вужудга кела олмайди. Бундай холларда у малака сертификатига ҳам эга бўлиши лозим. Кундан-кунга дори воситалари ва тиббий буюмларга

бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги, фармацевтика бозорида рақобатбардош субъектлар доирасининг, айниқса хусусий секторнинг кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда, ҳозирги синчков ва дори воситалари ҳақида кенг информацияга эга бўлган истеъмолчининг талабларини қондира оладиган малакали профессионал фаолият юритиш билан бирга фармацевтик этикага эга бўлган мутахассислар зарур. "Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш қоидалари"га мувофиқ дорихона муассасаларида дори-дармонларни сотишга фақат махсус фармацевтик маълумотга эга бўлган шахсларга рухсат берилади. Демак, хусусий дорихона бошлиғи дори воситаларини сотиш учун ходимларни ишга ёллашда, уларнинг албатта фармацевтик маълумотга эга бўлишига алоҳида аҳамият бериши лозим.

Хусусий дорихона уставида ўзининг ифодасини топиши лозим бўлган масалалардан яна бири бу унинг устав фондининг миқдоридир.

"Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунга кўра хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий дорихонанинг устави юқорида қайд этилган масалалардан ташқари қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган

санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермеҳнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларни хисобга олиш ягона давлат реестри Ўзбекистон Республикасининг Статистика давлат қўмитаси томонидан жойлардаги статистика органларида тўлдириладиган рўйхатга олиш варақалари асосида юритилади.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, юқорида қайд этилган фармонга мувофиқ 2014 йилнинг 1 июлидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига ўзгартиришлар киритилди. Унга мувофиқ, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар сифатида эътироф этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларининг янги турларини жорий этиш тақиқланди [37].

Хусусий дорихонанинг давлат рўйхатидан ўтиши унинг юридик шахс деб эътироф этиш учун асос бўлади, аммо унинг фармацевтик фаолият субъекти сифатида фармацевтик бозорда бошқа субъектлар билан муносабатга кириши учун ҳуқуқ бермайди. Бундай иштирокчига айланиши учун у тегишли тартибда лицензия олиши талаб этилади. Бу хақда биз тадқиқотимизнинг кейинги параграфида мулохаза юритамиз.

**2.2. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналарни ташкил этишда фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш тартиби**

Аҳоли саломатлигини сақлаш ҳар қандай давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида ахолининг саломатлигини сақлаш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини давлат назоратидан четда қолдирмаслик мақсадида лицензияланадиган фаолият турлари жумласига киритилган.

Тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашдан мақсад тадбиркорлик субъектларига мазкур соҳада фаолият кўрсатишларига тўсқинлик қилиш эмас, балки тиббий ва фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган тадбиркорлик субъектларига рухсат беришдан иборат.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фукаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуни, 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат

дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги ПФ-3923-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-700-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 61-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 апрелдаги ПҚ-1319-сон қарори, Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибин янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 270-сонли қарорлари билан тартибга солинади.

Г.В.Акимцеванинг фикрига кўра: "Лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш ҳамда лицензияловчи орган томонидан лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан амал қилинишини назорат қилиш ва унинг оқибатлари билан боғлиқ жараён ҳуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади. Лицензияни олиш, унинг муддатини узайтириш, лицензияни чақириб олиш ва лицензиат фаолияти устидан назорат ҳуқуқий муносабатлардир. Бу муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг мажмуи эса лицензиялашнинг ҳуқуқий институтини ташкил қилади" [75].

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини ўрганиш жараёнида "лицензия", "лицензиялаш", "рухсатнома" каби тушунчаларга дуч келдик ва уларни бир-биридан фарқлаш лозим, деган фикрга келдик.

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" ги қонунга мувофиқ "Лицензия" — лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани холда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ), деб таъриф берилади.

Қозоғистон Республикасининг "Лицензиялаш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ "лицензия – тегишли лицензиар томонидан жисмоний ёки юридик шахсга алоҳида фаолият тури билан шуғулланиши учун бериладиган рухсат" деб эътироф этилади.

Россиянинг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Федерал қонунига мувофиқ "Лицензия – юридик шахс ёки якка тадбиркор томонидан аниқ фаолият тури (лицензияланадиган фаолият тури хисобланган ишни бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳуқуқини амалга ошириш учун лицензияловчи орган томонидан қоғозда расмийлаштирилган хужжат билан тасдиқланган ёки агар лицензия бериш тўғрисидаги аризада бундай ҳужжатни электрон ҳужжат шаклида бериш зарурлиги ҳақида сўралган тақдирда электрон имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклидаги махсус рухсатнома" деб таъриф берилган [108].

Президентимизнинг жорий йил 7 апрелида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан лицензия ва рухсатнома характерига эга ҳужжатларни олиш тартиботларидан тубдан қискартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш бўйича тадбиркорларга кўплаб ҳуқуқий имкониятларни туғдирди.

Жумладан, бундан буён тадбиркорлик субъектларига рухсатнома характерига эга ҳужжатларни, лицензиялар, сертификатлар ва бошқаларни расмийлаштириш ва беришнинг тартиби ва муддатлари тегишли давлат идораларининг расмий веб сайтлари орқали амалга оширилиши белгиланди. Фармонда белгиланишича, 2014 йилнинг 1 июнидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чоралари қўллаш тақиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилигимизда лицензияга берилган таъриф унинг ҳозирги кундаги мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди деб хисоблаймиз ва Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида" ги қонунда лицензия тушунчасини қуйидаги таҳрирда берилишини таклиф этамиз: *"Лицензия" — лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризада кўрсатилган (тегишли тартибда расмийлаштирилган қоғоз ёки электрон имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат) шаклида юридик ёки жисмоний шахсга лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш ҳуқуқини берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.*

Қонуннинг асосий тушунчалар қисмида "лицензия даъвогари" тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра—лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс эътироф этилмоқда. "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомда эса "лицензия талабгори"деган иборани учратдик.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида, Хўжалик процессуал кодексларида даъвогар деб ўзининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этган шахс тушунилади. Олдинги параграфларимизда юридик шахс тушунчасига таъриф берган вақтимизда ҳам юридик шахснинг алоҳида белгиларидан бири сифатида унинг даъвогар ёки жавобгар сифатида судга мурожаат эта олиш ҳуқуқини тушунган эдик. Юқоридагилардан келиб, конундаги **“лицензия даъвогари“** жумласини **“лицензия талабгори”** жумласи билан алмаштирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу эса конунчиликда иборaларнинг турлича қўлланилиши натижасида турли тушунмовчиликларнинг келиб чиқишини ва конунлардаги ишлатилаётган ибораларнинг турли маънода талқин қилинишини олдини олган бўлур эди ва конун тилининг бир хилда бўлишига эришилар эди, деб ўйлаймиз..

Шунингдек, кўп холларда **“лицензия”** тушунчаси билан **“рухсатнома”** тушунчасини алмаштириб юборадилар. Лицензия муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қараладиган бўлса, рухсатнома эса шу лицензияланган фаолиятни амалга ошириш шартлари ва талаблари бажарилган тақдирда шу фаолиятни бошлаш учун ваколатли органларнинг розилигини тасдиқловчи ҳужжатдир (масалан, коммуникация тармоқларига уланиш учун, турар жойни нотурар жойга айлантириш учун ва ҳ.к.лар учун олинадиган ҳужжатдир).

Шунингдек “лицензия” тушунчаси “лицензиялаш” тушунчасидан ҳам фаркланади. Юқорида қайд этилган қонунда “лицензиялаш” тушунчаси ҳам берилган бўлиб, унга кўра:”лицензиялаш- лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси, деб таъриф берилади. Фармацевтика фаолиятини лицензиялашдан мақсад давлат томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, юқори даражадаги фармацевтика хизматини ташкил қилиш, аҳолини сифатли дори

воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, барча рақобатбардош субъектлар учун ягона талаб ва стандартларни жорий этган ҳолда истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунинг 11-моддасига мувофиқ, тиббий фаолият тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан, фармацевтика фаолияти эса тегишли лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Хусусий дорихона давлат рўйхатидан ўтгач тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси соғлқни сақлаш вазирлигига - дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олиш учун мурожаат қиладилар.

Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги қарори билан тасдиқланган "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги низом билан тартибга солинади.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларнинг муддатларини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт комиссия тузилади. Эксперт комиссия таркиби ва унинг тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Бунда эксперт комиссия таркибига мажбурий тартибда тегишли ихтисослик мутахассислари киритилади.

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига биноан берилиши мумкин.

Юридик ёки жисмоний шахс томонидан фармацевтика фаолияти фақат лицензияда белгиланган фаолият тури (унинг бир қисми) бўйича амалга оширилиши мумкин.

Фармацевтика фаолиятини амалга оширишда лицензиат қуйидагиларга мажбур:

фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

фаолиятни лицензияда кўрсатилган доирада, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш;

лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган, ўзига мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган ҳамда санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ биноларга эга бўлиш;

лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан, бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

экология ҳамда санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиш.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга топшириши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати низомда қатъий белгилаб қўйилган.[33]

Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2012 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб

ҳисоблаш тўғрисида"ги 313-сонли қарорига мувофиқ киритилган ўзгартиришларга асосан 2013 йил 1 январдан бошлаб, фармацевтика фаолиятини лицензиялашда аризани кўриб чиқиш учун талабгордан лицензияловчи идора ҳисобига ундириладиган йиғим миқдори тўрт баробардан икки баробарга камайтирилди.

Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан биргаликдаги аризаси улар олинган кунда эксперт комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади.

Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ўн беш кун муддатда кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган беш кун муддатда эксперт комиссия хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензияловчи орган қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

Лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда фақат «Фаолиятнинг айрим турларини лицензия-

лаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида белгиланган асосларгагина таяниши мумкин.

2014 йилнинг 1 январ холатига кўра фармация фаолиятини амалга ошириш учун 6197 лицензия амал қилган бўлиб, улардан 5448 таси хусусий ташкилотларнинг дорихоналаридан иборат, бу эса жами лицензиатларнинг 92 % ини ташкил қилади.

Лицензия битими талабларига риоя этилиши юзасидан назорат конун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Қонунчилигимизни ва хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш натижасида лицензиат томонидан лицензия талабларини ва шартларини бажарилиши устидан лицензияловчи орган томонидан назоратни олиб борилишининг ўзи етарли эмас деган фикрга келинди. Ўзбекистонннинг дунё хамжамиятига кириши, ривожланган соғлиқни сақлаш инфраструктурасига эга бўлган мамлакатлар билан халқаро алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётган бир шароитда тиббий хизмат кўрсатиш даражаларининг кескин фарқ қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Албатта, мустақиллик йиллари давомида бу соҳани ривожлантириш учун талайгина ишлар бажарилди.

Ўзбекистон РеспубликасиПрезидентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида республикада — бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди.

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория, ташхис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди ва имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баравар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетида эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1990 йилга нисбатан ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшгача ортди, оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 маротабага қисқарди. Аҳолининг, айниқса сил, гепатит, турли юқумли хасталиклар билан умумий касалланиш даражаси сезиларли равишда пасайди.

Шу билан бирга, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, айниқса жойларда, туман ва вилоят тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техника базаси ҳолати ўсиб бораётган замонавий талабларга ҳамон жавоб бермай келмоқда[96]

Фикримизча, тиббий хизматнинг, қолаверса фармацевтик хизматнинг замон талаблари даражасида эмаслигининг сабабларидан бири Ўзбекистон Республикаси“Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги қонунида ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Концепцияларида[97] назарда тутилган айрим нормаларининг етарли даражада ишламаётганлигида ёки амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда, хусусан, мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларини аккредитациядан ўтказиш тизимини жорий этилиши лозимлигида деб ҳисоблаймиз.

Қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, бизда бундай қонунчилик ҳам уни қўллаш амалиёти тажрибаси ҳам мавжуд. Масалан,ЎзР нинг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва ЎзР Вм нинг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “ЎзР таълим

муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ барча таълим муассасалари аттестация асосида аккредитациядан ўтказилади.

Фикримизча, таълим муассасалари каби барча дорихона муассасалари ҳам давлат томонидан аккредитацияланган бўлиши лозим. Фақат давлат томонидан аккредитацияланган дорихона муасасаларигина фармацевтик фаолиятни амалга оширишга ҳақли бўлишлари мумкин.

Юқорида биз хусусий дорихоналарни лицензиялаш масалаларини кўриб чиқдик. Тўғри лицензиялаш маълум даражада хусусий дорихоналарга нисбатан қўйилган талабларга риоя қилинишини тартибга солади. Аммо фақат лицензиялаш орқали жаҳон тиббий хизмат ва фармацевтика бозори қўяётган талаб ва стандартларга жавоб бериш қийин. Мамлакатимиз қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ҳамда тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш маълум даражада ҳуқуқий жиҳатидан тартибга солинган, аммо тиббий ва дорихона муассасаларини аккредитациялаш масалалари назарий ва амалий жиҳатидан ривожлантирилишини ва такомиллаштирилишини тақозо этади.

Аккредитациянинг асосий мақсади тиббий ва дорихона муассасаларининг ўз фаолиятларини сифат кўрсаткичларини яхшилашга интилишларини таъминлашдан иборат.

Лицензиялаш жаҳон тиббиёт ҳамжамиятида тиббий муассаса фаолиятида муайян хато ва зарарли холатлар мавжуд эмаслигини аниқлаш учун давлат органи томонидан амалга ошириладиган мажбурий процедурадир. Лицензиялаш билан аккредитациядан ўтказишнинг фарқланишининг туб моҳияти –аккредитация учун тиббий муассасанинг сифат кўрсаткичларини юқори даражага эришиши учун оптимал даражадаги талаблар ва мақсадлар белгиланади. Лицензиялашда эса шу фаолиятни амалга ошириш учун минимал даражадаги стандартлар талабларига мос келишининг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлардан европа давлатлари ичида Бельгия, Франция, Шотландиянинг тиббий ва фармацевтика хизматини аккредитациядан ўтказишнинг турли шакллари мавжуд.

Г.В.Акимцеванинг фикрига кўра: "Аккредитация – бозор рақобатига, ўз-ўзини тартибга солиш ва давлат томонидан аккредитациялашга асосланиши билан фарқланади. Аккредитация ўзгаришларга мойил бўлган кўп жиҳатлари билан характерланади. Аммо аккредитация тизимининг турли-туманлигига қарамасдан, унинг асосий принциплари бўлиб, ташқи муносабат ва стандартларнинг қўлланилиши бўлиб ҳисобланади" [75].

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, тиббий ва дорихона муассасаларини аккредитациялашнинг давлат стандартларини қонуний жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилиши тиббий ва фармацевтика хизматининг сифат кўрсаткичларини ўсишига олиб келади.

## 2.3. Ўзбекистон Республикаситармок стандарти ССВ 304-буйруги "Дорихоналарнинг моддий техник базаси, хоналари, жихозланиши ва ходимларига белгиланган талаблар"

Бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси натижасида, аҳолимиз тафаккурининг ривожланиб бораётганлиги турли соҳаларда бўлгани каби дорихоналаримиз фаолиятига ҳам янгича талаб, янгича ёндошувлар бўлишини талаб этмоқда. Хозирги кунда дорихоналаримиз фақатгина дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана савдосинигина амалга оширишининг ўзи етарли бўлмай қолди. Ҳозирги рақобатли муҳитда дорихона зукко, талабчан истеъмолчи учун фармацевтик хизмат, фармацевтик ёрдам кўрсатиши лозим бўлмоқда. Ўз навбатида бундай шароитда А.Юнусхўжаев таъкидлаганидек, "бугунги кунда иш берувчи нафақат махсус билимли профессионал фармацевтнигина, балки харидорга мослашувчан, у билан чиқиша оладиган, фармконсультация билан савдони

комплекс холда олиб бориб савдо хажмини, жумладан товар айланмасини оширишга кўмаклашувчи сотувчи –психологни кўришни хохлайди” [94].

Олдинги параграфларда таъкидлаганимиздек замонавий дорихона бу дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг чакана савдосини амалга оширувчи фармацевтик ташкилот эмас, балки муайян талаб ва стандартларга жавоб бера оладиган махсус субъектдир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви мамлакатимиздаги ишлаб чиқаришнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг ҳам жаҳон стандартларига мос бўлишини талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар”асосий холатлар тармоқ стандартларини тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи тасдиқланган бўлиб, унда асосий термин ва атамалар, умумий холатлар, дорихона муассасаларининг хоналари ва уларнинг жиҳозланиши, дори воситаларини қабул қилишга қўйиладиган талаблар, дори воситаларини сақлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб ва хисобот ишлари, дорихона ходимларига бўлган талаблар, дорихона фаолиятини ташкил этиш, дорихона муассасасини тугатиш тартибига доир талаблар белгиланган.

Мазкур тармоқ стандарти мулкчилик шаклидан қатъий назар чакана, улгуржи савдо билан шуғулланувчи барча дорихоналар учун мажбурий эканлиг белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида стандартлаштириш белгиланган.

Стандартлаштириш Ўзбекистон Республикаси “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;

ташкилотнинг стандартлари;

хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Давлат ягона узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади.

2004 йил 8 ноябрда "Ўзстандарт" агентлигининг "Стандартизацияга оид норматив ҳужжатлар тоифаларини "Узстандарт" агентлигида тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида" ги низом тасдиқланган бўлиб, унда стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатларга бўлган талаблар, уларни тайёрлаш, норматив ҳужжатнинг мазмунига қўйилган талаблар, уларни экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказишга оид қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, ўз ваколатлари доирасида стандартлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади ва буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли "Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар"асосий холатлар тармоқ стандартларини тасдиқлаш ҳақида" ги

буйруғи юқорида қайд этилган қонун ва низомга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат хисобланади.

Фикримизча ушбу ҳужжатни янги таҳрирда ишлаб чиқиш лозим. Чунки ушбу Тармоқ стандартини ишлаб чиқишда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ва «Стандартизация ҳақида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 477-сонли қарори асос қилиб олинганлиги кўрсатилган. Мазкур тармоқ стандарти қабул қилинганидан кейин «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунга икки марта, «Стандартизация ҳақида»ги Қонун (қонуннинг номланиши нотўғри берилган,) хозирда ушбу қонун "Стандартлаштириш тўғрисида"деб номланади ва унга уч марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 477-сонли қарори ўз кучини йўқотиб, хозирда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 майдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган "Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низом қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунига Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг **23-моддасига** мувофиқ янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган а зарур ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунига ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг “Стандартизацияга оид норматив ҳужжатлар тоифаларини “Узстандарт” агентлигида тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида” ги низомга мувофиқ стандартлаштиришга оид барча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказиш учун “Ўзстандарт” агентлигига тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилган. Агентлик эса ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб беш кунда уни давлат рўйхатидан ўтказиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар”асосий холатлар тармоқ стандартларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйилган талабларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

**I I боб бўйича хулосалар**

Мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ҳамда тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш маълум даражада ҳуқуқий жиҳатидан тартибга солинган, аммо тиббий ва дорихона муассасаларини аккредитациялаш масалалари назарий ва амалий жиҳатидан ривожлантирилишини ва такомиллаштирилишини тақозо этади.

Аккредитациянинг асосий мақсади тиббий ва дорихона муассасаларининг ўз фаолиятларини сифат кўрсаткичларини яхшилашга интилишларини таъминлашдан иборат.

Лицензиялаш жаҳон тиббиёт ҳамжамиятида тиббий муассаса фаолиятида муайян хато ва зарарли холатлар мавжуд эмаслигини аниқлаш учун давлат органи томонидан амалга ошириладиган мажбурий

процедурадир. Лицензиялаш билан аккредитациядан ўтказишнинг фаркланишининг туб моҳияти –аккредитация учун тиббий муассасанинг сифат кўрсаткичларини юқори даражага эришиши учун оптимал даражадаги талаблар ва мақсадлар белгиланади. Лицензиялашда эса шу фаолиятни амалга ошириши учун минимал даражадаги стандартлар талабларига мос келишининг ўзи етарли бўлиб ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосага келдик, мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларини аккредитациядан ўтказиш:

- дорихона муассасаларининг лицензиялаш ва сертификациялаш талаблари ва шартларига мувофиқлик даражасини;
- фармацевтика хизмати сифати даражасини;
- фармацевтика хизмати кўрсатувчи субъектлар ўртасидаги рақобатни;
- мутахассислар ўртасида рақобатни (мутахассисларни ўзларининг устиларида ишлашга ва билим даражасини оширишга эришилади)
- хусусий дорихоналарни истеъмолчилар олдидаги, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги, шунингдек давлат олдидаги масъулиятини оширади;
- кўрсатилаётган хизматларнинг жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишини таъминлайди.

Замонавий дорихона бу дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг чакана савдосини амалга оширувчи фармацевтик ташкилот эмас, балки муайян талаб ва стандартларга жавоб бера оладиган махсус субъектдир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви мамлакатимиздаги ишлаб чиқаришнинг, кўрсатилаётган хизматларнинг ҳам жаҳон стандартларига мос бўлишини талаб этмоқда. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник

воситалари ва ходимларига бўлган талаблар"асосий холатлар тармоқ стандартларини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйилган талабларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилиши лозим деган ғоя илгари сурилмоқда.

## III боб. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини бекор қилинишининг белгиланган тартибда амалга оширилиши

### 3.1. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини кайта ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини бекор қилиниши икки хил усулда амалга оширилиши мумкин, яъни қайта ташкил этиш ва тугатиш асосида.

Қонунчилик ва адабиётларни ўрганиш натижасида қайта ташкил этиш ва тугатиш бир-биридан тубдан фарқланади.

Тугатишдан фарқли равишда, қайта ташкил этишда мулк сақланади, хўжалик ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йўқотмайди. Қайта ташкил этиш ҳар доим ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ, яъни мулкий ва бошқа ҳуқуқ (мажбурият)ларнинг бекор қилинган (турини ўзгартирган) бир ҳуқуқ субъектидан бошқасига, қайтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Хусусий дорихона қайта ташкил этилган тақдирда, унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахсни тугатишдан бунинг асосий фарқи ҳам шунда ифодаланади.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворислари унинг фаолиятини давом эттиради. Шу билан боғлиқ равишда охир оқибатда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ўтиши лозим. Улар қайта ташкил этилган юридик шахснинг топшириш ҳужжати, худди шунингдек, тақсимлаш балансида қайд қилинган ёки қилинмаган бўлса ҳам, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасида қайта ташкил қилишнинг бешта шакли фарқланади:

- қўшиб юбориш (икки ва ундан ортиқ юридик шахслар бир шахсга айланади);
- қўшиб олиш (бир ёки бир неча юридик шахслар бошқасига қўшилади);
- бўлиш (юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади);
- ажратиб чиқариш (юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, бунда аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади);
- ўзгартириш (бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради).

Юридик шахсни қайта ташкил этиш умумий қоидаларга асосан ихтиёрий равишда – унинг таъсисчиларининг (қатнашчиларининг) ёки таъсис этилган ҳужжатлар билан ваколатга эга бўлган юридик шахс органи, масалан аъзоларнинг умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилиши мумкин. қўшиб олиш, қўшиб юбориш ёки ўзгартириш шаклларидаги *ихтиёрий* қайта ташкил этиш қонунда белгиланганидек, давлат органларининг олдиндан олинган розилиги асосида амалга оширилади. Масалан, бундай розиликни товар бозорларида монополистик фаолиятни келтириб чиқарувчи хўжалик субъектлари устидан назорат қилувчи монополияга қарши давлат органидан ҳам олиш талаб қилинади [17]. Баъзан юридик шахсни қайта ташкил этишда унинг хоҳиш-иродасидан четга чиқилиши мумкин. Бу тўғридан-тўғри қонунда белгиланган ҳолатларда, юридик шахсни қайта ташкил этишнинг унинг таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахсларни бўлиш ёки ажратиб чиқариш турлари ваколатли давлат органлари ёки суд қарори билан *мажбурий* амалга оширилади. Чунки қонунга биноан бирор товар бозорида устун мавқеига эга бўлган ҳолда монополияга қарши қонун

ҳужжатларини уст-устига бузса, монополияга қарши давлат органи рақобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий тартибда бўлиб юбориш ёки таркибий бўлинмалар негизида бир ёки бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш ҳақида судга даъво аризаси бериш ҳуқуқига эга. Агар юридик шахс муассислари (иштирок-чилари), улар вакил қилинган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. [17]. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларини тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қайта ташкил қилишнинг барча санаб ўтилган шаклларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга, тақсимлаш баланси билан расмийлаштирилувчи бўлиш ва ажратиб чиқариш шакли киради. Иккинчи гуруҳга, топшириш ҳужжати билан расмийлаштирилувчи қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгариш шаклларини киритиш мумкин. Ушбу ҳужжатлар билан янги ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми аниқланади.

Юридик шахсларни қайта ташкил қилиш жараёнида "тақсимлаш баланси" ва "топшириш ҳужжати"нинг аҳамияти жуда катта, чунки у қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўзидан олдингисига нисбатан бўлган муносабатларида, хусусан берилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг таркиби ва ҳажмига ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжати, кимга, айни

қайси ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтиши кераклигини аниқ белгилаб бериши зарур. Бу ҳужжатларда қайта ташкил қилинган юридик шахс мажбуриятларининг бутун мажмуини, шу билан бир қаторда бажариш муддати келмаган, қайта ташкил қилинган шахс баҳслашаётган мажбуриятларни ҳам киритишни, қайд этиш керак.

Тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжати қайта ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилган шахслар томонидан албатта тасдиқланиб, тегишли ҳужжатлар билан давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳавола қилинади. Булар қайта ташкил қилинган шахснинг таъсисчилари, ёки уни яхши биладиган (ўз хоҳиши билан қайта ташкил қилишда), ёки ваколатли давлат органи (қонунда кўзда тутилган, мажбурий ташкил қилиш ҳолларида) бўлиши мумкин. Ушбу қоидаларга риоя қилиниши қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий муносабатларига тўла аниқлик киритиб, юридик шахсни қайта ташкил қилиш жараёнида кредиторларининг манфаатларини кўзда тутиб, уларнинг талабларни йўқолиб кетмаслиги учун ўрнатилган.

Тақсимлаш баланси бўйича мол-мулкка келиб қўши-лиши (актив) ёки ундан чиқиб кетиши (пассив) мумкин бўлган қисмлари, шунингдек жорий йилда юридик шахсдан топширгунга қадар бўлган муддат давомида олинган даро-мадлар ва кўрилган зарарлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда топширилади. Асосий ва оборотдаги маблағлар уларни топ-шириш ҳақида қайси чоракда қарор қабул қилинган бўлса, ўша чоракнинг молиявий режаси кўрсатилган миқдорда топширилади. Топшириш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин уларни ўзгартириш мумкин эмас. қарор қабул қилингандан кейин ўзлаштирилган асосий ва оборотдаги маб-лағлар уларни қабул қилиб олувчи тарафга қайтариб берилиши лозим.

Топшириладиган мол-мулк инвентаризация қилинади ва бу топшириш ҳужжатида ёки тақсимлаш балансида кўрсатиб қўйилади.

қайта ташкил қилиш вақтида қайта ташкил қилинаётган корхона эга бўлган дебитор ва кредиторлик қарзларининг бутун миқдори (шу

жумладан, сотиб олувчи ва таъ-минотчиларнинг иш ҳақи бўйича қарзлари, ҳисоб берувчи шахслардан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича), тақсимлаш баланси ёки топшириш ҳужжатига мувофиқ, унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини ташкил қилувчи фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар юридик фактлар асосида вужудга келади. Ушбу ҳуқуқ ва маж-бuриятларни нафақат вужудга келиши, шунингдек уларнинг ўзгартирилиши ва бекор бўлиши ҳам қонун ва бошқа ҳуқу-қий ҳужжатларга асосан юридик фактлар билан боғлиқдир. Фуқаролик Кодексининг 8-моддасида амалиётда учраб турадиган юридик фактлар инобатга олинган ҳолда, фуқа-ролик ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга хўжалик юритувчи субъектлардан бири устун мавқени эгаллаб турган бўлса, уларни молия бозорида қўшиб юбориш ва қўшиб олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги олиниши зарур. юридик шахс кредиторлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Юридик шахс қайта ташкил этилиб, ҳуқуқий ворислик келиб чиққан ҳолатда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг вазифалари қўйидаги заруратлардан келиб чиқади:

1) Барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўлиқ юклаш, қайта ташкил этилган юридик шахс фаолиятини, унинг ҳуқуқий ворисига ўтиши;

2) Бу мажбуриятларни ва улар бузилганлиги учун жа-вобгарликни қайта ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқий ворисларига, унинг фаолияти қандай бўлинган бўлса, шун-дай аниқликда бўлиб бериш;

3) Кредиторларга қайта ташкил этилган юридик шахс мажбуриятлари олдида мажбуриятли ва жавобгар бўлган унинг ҳуқуқий ворисларини топишни енгиллаштириш. Бун-дай тадбирлар зоя кетган тақдирда, барча ҳуқуқий ворис-ларга нисбатан солидар жавобгарликни қўллаш лозим.

Ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамияти ҳам шундан иборат, яъни фуқаролик муомаласида барқарорлик бўлиши зурур. Бундай сифатларга фақат мустаҳкам қонунчилик туфайлигина эришиш мумкин бўлади. Бу эса

тегишли равишда ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг мустақиллигини, қайта таш-кил этиш ҳолатида томонларнинг ўзгариши, корхонага ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши билан улар фаолиятини давом эттириши ҳуқуқий ворислик билан аниқлаштирилади. (ЎзР ФКнинг 50-моддаси) Фуқаролик кодексининг 82-мод-дасига кўра дастлабки хуқуқ субъектига тегишли бўлган "фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки *универсал ҳуқуқий ворислик* (мерос қилиб олиш, юридик шахсни *қайта ташкил этиш*) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин".

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ва қисман (сингуляр) турларга ажратилади. Универсал ҳуқуқий ворисликда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг жами ўтади. Масалан, бир неча юри-дик шахслар қўшиб юборилганда, янги ташкил бўлган юридик шахсга универсал ворислик тартибида олдинги-ларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтади. Универсал ҳуқуқий ворисликнинг предметини ҳуқуқни қабул қилиб олувчи (янги ҳуқуқ субъекти)га ўтадиган ҳуқуқ ва маж-бuриятлар йиғиндиси ташкил қилади.

Ҳуқуқий ворислик ўз ичига муайян ҳуқуқ ва маж-бuриятларни қамраб олади. Ҳуқуқий ворисга маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасини бериш билан бирга маълум шахсда мавжуд бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғин-дисининг ўтиши, яъни универсал ҳуқуқий ворислик муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг туб моҳиятига кўра сингуляр (қисман) ҳуқуқий ворислик, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлар бир қисмининг ҳуқуқий ворислигидан фарқ қилади.

Универсал ҳуқуқий ворисликда шахс ҳуқуқ ва маж-бuриятлари йиғиндиси сифатида, унга тегишли бўлган мол-мулк ҳуқуқий ворисга ёки ҳуқуқий ворисларга тўлиқ ра-вишда ўтади. Яъни, мол-мулк бир корхонадан иккинчисига ўтганда мулк билан бирга қайта ташкил этилган корхона зиммасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади. Айни шун-дай

ҳолатлар универсал ҳуқуқий ворислик ҳолатларига тааллуқли бўлиб, бунда ҳуқуқ субъективлигининг тўлиқ ворислиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролик кодексининг 51-моддасини қуйидагича тартибда ҳам шарҳлаш мумкин: яъни, юридик шахс қайта ташкил этилиши натижасида янгидан вужудга келган юридик шахснинг мулкка оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтиш вақти унинг муассислари ёки қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томондан топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансида имзоланган ва тас-диқланган сана ҳисобланади.

Топшириш ҳужжати билан тақсимлаш балансини улар юридик табиати ва мазмунига кўра корхонанинг устави ва низомига тенглаштириш мумкин. Шунинг учун қайта ташкил этищда топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш баланси тузилгунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгал-терия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва мол-мулки тўғрисидаги хулосасини, шунингдек креди-торлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига кири-тилган барча карз (мажбурият)лар рўйхатини томонлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак.

Лекин тақсимлаш баланси ва топшириш ҳужжатини низосиз ҳужжат деб бўлмайди. Бундай ҳолатлар юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар суд тартибида ҳал этилади.

Кўриб чиқилаётган қайта ташкил этиш ва ҳуқуқий во-рислик тўғрисидаги нормалар тушунчалари вақтга ва мазмунига чамбарчас боғлиқликда таҳлил қилиниши лозим. ***Биринчидан***, ҳеч ким топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансини тасдиқловчи юридик шахс муассиси (иштирок-чиси)нинг қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтигача чеклаб қўя олмайди. Муассиснинг бу ҳуқуқи қонунга зид бўлмайди ва қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий табиатига тўлиқ тўғри келади; ***иккинчидан***, агар топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғ-рисидаги қоидалар бўлмаса,

янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Шундай қилиб, Фуқаролик кодексида ҳуқуқий ворислик объектини аниқлашда қонун чиқарувчини ёндашишига эътиборни каратиш керак.

Қайта ташкил этилган корхона ҳуқуқий ворислари универсал ҳуқуқий ворис бўладилар, бу ҳақда топшириш ҳуж-жати ва тақсимлаш балансида қайд этилган ёки этилмаган бўлсада, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Демак, ворислик ҳуқуқининг мазмунини мол-мулкни топшириш ҳужжати ва уни тақсимлаш баланси ташкил этади.

Ҳар бир ҳуқуқий ворис мулкдор ёки хўжалик юритиш, оператив бошқариш тарзида ўтувчи мол-мулк таркиби (мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар), мулкдор ёки улар томо-нидан вакил этилган орган томонидан белгиланиб, тақ-симлаш баланси ва топшириш ҳужжати орқали аниқ-лаштирилади. Худди шундай тартибда мулкий ҳуқуқларнинг ўтиш пайти белгиланади. Берилаётган мол-мулк таркибига кирувчи алоҳида объектлар юзасидан келиб чиққан низолар, мулкдорлар томонидан мазкур ҳужжатлар асосида ҳал этилади.

Сингуляр тартибда ворисларга ҳуқуқнинг белгиланган маълум қисми ўтиши мумкин. Сингуляр ворислик юридик шахсни қайта ташкил қилишда истисно сифатида қўлланиши мумкин .

Ҳуқуқий муносабатларда иштирокчиларнинг алмашини-ши, айниқса мажбуриятда шахсларнинг ўзгариши, процес-суал ҳуқуқий ворисликка ёки бошқа процессуал оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар судда хўжалик низоларини ҳал қилишда бир томоннинг ўрнига бошқа томоннинг процессда иштирок этиши лозим бўлса, яъни низолашаётган тарафни аниқлаб жавобгарлик чораларини қўллашда процессуал ҳуқуқий ворислик муҳим ўрин тутади .

Амалдаги қонунчиликка, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 39-моддасига мувофиқ, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб

кетган тақдирда (***қайта ташкил этиш,*** талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фукаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий ворисси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик про-цесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин [5].

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий ворислик учун у процессга киришгунга қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисларга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, процессдаги ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир.

Фуқаролик кодексининг 52-моддасида "юридик шахс қайта ташкил этилганида кредиторлар ҳуқуқларининг ка-фолатлари"га алоҳида эътибор берилган. Чунки юридик шахс бўлингач, ёки ажралиб чиққач улар мулкий жиҳатдан заиф бўлган ворисга тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. қўшиб олиш ёки қўшиб юбориш кредиторлар сонининг кўпайишига олиб келади. Бу эса кредиторларга хавф солади, қарздор мулки кўпаймаслиги, балки қарз устига қарз қўшилиши мумкин. Шу сабабли ҳам қонун қайта ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ва орган-лардан бу ҳақда барча кредиторларни ёзма равишда ха-бардор қилишларини талаб қилади.

Ўзгартириш натижасида ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартирилиши юридик шахс қатнашчилари (иштирокчи-лари)га ўз кредиторлари олдидаги қўшимча масъулияти-нинг барҳам берилишига олиб келиши мумкин. Ҳозирги даврда халқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар жараёнида қайта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини амалиётда кенг қўлланилаётгани фикримизнинг асосли эканлигидан далолатдир.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришда, юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг бўлиниш (ажралиб чиқиш) ва қўшиб олиш (қўшиб юбориш) каби шаклларида учрагандек, юридик шахснинг сони ортиб ёки

камаймасада, ушбу юридик шахс ҳуқуқий ҳолати (ташкилий-ҳуқуқий шакли)да мавжуд ўзгартиришлар содир бўлади. Бунда мулк шакллари ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Юридик шахс қайта ташкил этилса, қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилишлари шарт эканлиги Фуқаролик кодексининг 52-моддаси 1-бандида ўз ифодасини топган. Бу қоидалар қайта ташкил қилинаётган юридик шахс кредиторларининг манфаатларини ҳуқуқий кафолатлайди. Бундан маълум бўладики, юридик шахс мус-тақил тарзда мулк таркиби мутаносиблиги ва механи-змини аниқлаштириши, шунингдек тегишли маълумотларни топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш балансида аниқ акс эт-тириши лозим.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг хабар бериши, ўз ўрнида кредиторга шу юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларини бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ҳамда зарарни тўлашни талаб қилишга имкон беради. Лекин шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, бир юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг зиммасидаги мажбуриятлари учун масъул бўлган шахс топилмаслиги мумкин. Бунда кредитор қайта ташкил этишнинг маълум бир омиллар билан эмас, тегишли талабларни аниқ сабаблар билан асослаши даркор. Шунингдек, қайта ташкил этиш натижасида белгиланган фаолият тури билан шуғул-ланиш ҳуқуқига рухсат ололмаслиги муносабати билан қарздор томонидан мажбурият бажариш имконияти бўлмаслик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин.

Кредиторларнинг талаблари худди шу юридик шахснинг қайта ташкил этилишига нисбатан қўлланиб, қайта ташкил этишни олиб бориш фактига асосланади. Шундай экан, қайта ташкил этишни томонларнинг талабини қондириш пайтигача амалга оширилмаслиги ёки уни рад этилишига олиб келиши мумкин (хусусан, суд тартиби).

Юридик шахс кредиторлари тегишли аризасининг муддати ҳақида гапирар эканмиз, айтиб ўтилган кредитор талаблари тақсимлаш баланси (топшириш ҳужжати) тасдиқланиши вақтигача кўриб чиқиш учун сўзсиз қабул қилиниши лозим.

Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик қонунчилигида бундай ҳолатлар учун қуйидагича қоида белгиланган. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини (ҳуқуқ ва мажбуриятлар олган юридик шахс)ни аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайтадан ташкил этилган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбурияти бўйича солидар жавобгар бўладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, баъзида юридик шахс қайта ташкил этилганда, айниқса кетма-кет икки-учга бўлинишида, мазкур қарз универсал ҳуқуқий ворисларнинг қайси бирига ўтганлигини аниқлаш қийин кечади. Мазкур ҳолат бўйича Фуқаролик кодексининг 251-моддасида белгиланган қоида қўлланилади. Агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб кўзда тутилмаса, ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда бажаришни талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

Қайта ташкил этиш жараёнида вужудга келган юридик шахснинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари бўйича солидар жавобгарлигини белгиловчи қоидалар Фуқаролик кодексининг 252, 253, 254, 255-моддаларида ҳам ўз аксини топган.

Агар кредитор бу қоидалардан фойдаланмаса, қайта ташкил қилинган юридик шахс ўрнига бошқа, яъни топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш балансига кўра аниқланган ҳуқуқий ворис янги юридик шахсга ўтиб қолади. Шу сабабли юқоридаги ҳужжатларнинг тегишли шахс ва органлар томонидан тасдиқланганидан кейин улар янги пайдо бўлган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига қўшиб давлат рўйхатидан ўтказишга

тақдим қилинади. Бу ҳужжатлар тақдим этилмаса ёки ҳужжатларда қайта ташкил этилган юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан ҳуқуқий ворисликка оид қоидалар акс этмаган бўлса, янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади. Бу ҳам кредиторлар манфаатини ҳимоя қилувчи қоидалардан бири саналади.

Юридик шахсни қайта ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган таъсисчи ёки орган, бу ҳақда унинг кредиторларини ёзма равишда хабардор этишлари керак. Бу билдиришномани олган ҳар бир кредитор, қайта ташкил қилинган юридик шахс қарздор бўлган мажбуриятларини бажарилишини талаб қилишга, шунингдек, мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш туфайли юзага келган зарарни ундириш ҳуқуқига эгадир. Айниқса, юридик шахсни қайта ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг мажбуриятини белгилаш зарур. У солиқ органларига бу ҳақда 10 кун ичида хабар қилиши керак.[20]

Агарда солиқ органи, билдиришга қарамасдан қайта ташкил қилиш муддати тугагунча ва тақсимлаш баланси (топшириш ҳужжати) тузилгунча қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг тўланмай қолган қарзларини аниқламас экан, кейинчалик янги ташкил этилган юридик шахсга қайта ташкил қилинган юридик шахс томонидан йўл қўйилган ва янги юридик шахс ташкил қилингандан кейин аниқланган солиқ қонунларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилмайди. Бундай ҳолларда янги юридик шахсдан солиқ қийматигина ундириб олинади.

Масалан, агар юридик шахснинг мол-мулки, унинг қайта ташкил этилиши натижасида бошқасига ўтаётган бўлса, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансида бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларни бажарилиши сингари солиқ тўлаш мажбурияти ҳам баён қилиниши керак. Бунда солиқ тўлаш мажбуриятини - ҳуқуқий ворислик объекти дейиш мумкин. У қонун кучи билан вужудга келади ва қайта ташкил этиш пайтида мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида, корхона мулкдори алмашган, корхона қайта ташкил этилган ҳолларда меҳнат шартномаси амал қилишининг давом этиши ҳақидаги қоидалар белгиланган. Бунда "корхона мулкдори алмашганда, худди шунингдек корхона қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ходимнинг розилиги билан давом этаверади". ( ЎзР. МКнинг 98-модда 1 қисм.)

Хусусий дорихона эгаси алмашганда, яъни корхона қайта ташкил этилганда ходимнинг розилиги билан бўлган муносабат давом этади. Иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг тўхтатилиши иш ўринларининг қисқариши натижасида амалга оширилиши мумкин.

Амалиётда корхона мулкдори алмашганда, корхона қайта ташкил этилганда ходим билан иш берувчи ўртасида ҳар хил келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик кодексининг 1015-моддасида "ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта тузилган тақдирда, тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юкланиши ҳамда зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабнома ҳам унга тақдим этилиши" мустаҳкамланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хусусий дорихона таркибида бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларнинг барпо этиш йўли билан янги дорихона ташкил этилмайди, чунки қайта ташкил этиш жараёнининг субъекти юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхона саналади.

## 3.2. Ўзбекистон Республикасида хусусий дорихоналар фаолиятини тугатиш

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши даврида турли мулк шаклларининг мавжудлиги хўжалик юритишнинг ҳам ҳар хил кўринишларини вужудга келтириб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига алоҳида эътибор беришни тақозо

этмокда. Маълумки, хўжалик юритиш субъектларининг самарасиз фаолият юритиши давлат ва жамият манфаатларига сезиларли зарар келтиради. Ҳар қандай давлат ва жамият ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг яхши ишлаши тарафдоридир. Шу хусусда, Президент И.А.Каримов "энг аввало, истикболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да, қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарурлигини ва бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир. Самарасиз ишлайдиган корхоналар карздорлик гирдобига фақат ўзлари ғарқ бўлибгина қолмай, бошка корхоналарни хам ортидан тортиб кетади"[64] деб ҳақ гапни айтган эди. Тўғри, бундай ҳолат албатта ачинарли, лекин ундан қутилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, юридик шахсни тугатиш масаласи ҳақиқатдан долзарб мавзу бўлиб бормоқда.

Ушбу вазиятга мамлакатимизда тўғри баҳо берилиб, қонунда белгиланган тартиб асосида хал қилиш учун махсус қонун меъёрлари ва чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Қонунчилигимизни ўрганиш асосида хусусий дорихоналарни икки хил усулда тугатиш мумкин экан деган хулосага келдик, яъни Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни икки хил усулда тугатилишини кўришимиз мумкин, яъни ихтиёрий ва мажбурий.

Ихтиёрий усулда мулкдорнинг ўзини ташаббусига кўра амалга оширилиб, бунда:

- муассис, яъни хусусий дорихонанинг мулкдорини қарорига мувофиқ;
- хусусий дорихонанинг фаолият юритиш муддатининг тугаши;
- уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;
- хусусий дорихонани ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

- муассис хусусий дорихонани тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиши билан.

Хусусий дорихонани мажбурий усулда суднинг карорига мувофиқ тугатилиши мумкин, хусусан:

- фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш;
- қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш ҳолатларида;
- фуқаролик Кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг карорига мувофиқ;
- бозор муносабатлари мамлакат иқтисодиётига қанчалик чуқуррок кириб келиши ўз фаолиятини самарасиз олиб бораётган юридик шахсларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли хусусий дорихона-уч ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганда;
- давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда.

Юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг карорига биноан тугатилиши мумкин. Одатда муассислар ҳам иштирокчилар ҳам ўз ихтиёрлари билан ҳар қандай вақтда тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишлари мумкин. Бу уларга берилган ҳуқуқдир. Лекин шу билан биргаликда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш улар учун бурчни ҳам келтириб чиқаради. Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик кодексида суд тартибида тугатиш икки асосда умумий ва махсус асосларда амалга оширилиши назарда тутилади. Умумий асос барча турдаги юридик шахсларга, махсус асос эса алоҳида турдаги юридик шахслар учун тааллуқлидир. Умумий асосларга кўра ўз фаолиятини рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошираётган ёки қонун

томонидан таъқиқланган фаолият билан шуғулланаётган юридик шахсларга нисбатан ёки Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ қўлланилади.

Махсус асосга кўра тугатиладиган алоҳида турдаги юридик шахслар қаторига Ўзбекистон Республикасиқону-нига биноан ўз ҳуқуқий мақомини олиб, махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари киради. Одатда, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳуқуқий мақомини ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Юридик шахсни тугатилишини ошкораликда амалга ошириш тугатиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва камчиликларсиз якунлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон РеспубликасиФКнинг 54-моддасига кўра, юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколат берилган орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма тартибда хабар беришлари лозим. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мана шу хабарга асосан юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни ягона давлат реестрига киритади. Маълумотлар ки-ритилгандан сўнг юридик шахснинг фирма номига албатта “тугатилишда” деган сўз қўшиб қўйилади.

Бундан ташқари, бу ҳақда солиқ органларини ҳам хабардор қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ташкил этилган пайтда солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ органларида рўйхатга олинади. Солиқ кодексининг 41-моддасида юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлиб, хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, тақдим этилиши лозимлиги кўрса-тилади. Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комис-сияси (тугатувчи) беш кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи ўн беш кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт. Даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва тартибда тақдим этилади. Шунингдек, корхона тугатилганда солиққа тортиш масалалари маълум идоравий йўриқнома асосида ҳал этилиши мумкин. Шу билан бирга юридик шахсни тугатилиши тўғрисида пенсия фондлари ҳамда суғурта жамғармаларини огоҳлантириб, ўзларининг ҳисоб рақамларини ёпиш чораларини кўриши лозим.

Тугатишда мазкур юридик шахс фаолияти тўлиқ бекор қилиниб, унинг иши тўхтатилади ва мол-мулки тугатилади. Бундай ҳолатда тугатиш комиссияси тузилади. ҳозирги вақтда тугатиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида тугатиш комиссияси тузилиши ёки шундай ҳаракатларни бажарувчи тугатувчи тайинланиши ўзининг қонуний асосига эга. Бу ҳатти-ҳаракатлар тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Шундай қилиб, қоидага кўра, амалиётда ту-гатиш комиссияси таркибига муассислар (иштирокчилар) тугатилаётган ташкилот маъмурияти вакиллари киради.

Шунингдек, улар тугатиш комиссияси ёки тугатув-чининг асосий вазифаларини аниқлаштириш билан бир вақтда Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик Кодексига му-вофиқ тугатиш тартибини ҳамда муддатини белгилаб оладилар. Тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Кодекснинг 55-моддасига мувофиқ бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб "икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас". Ундан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларида эса бу муддат икки ойгача деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда бир ой кўрсатилиб эълон қилинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой кўрсатилиб хабар қилинади. Шу билан

кредиторлар томонидан ўз талабларини баён қилиш учун зарур бўлган имконият чекланади. "Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас" деб кўрсатилган Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли кафолат яратишга қаратилган.

Тугатиш комиссияси тасдиқланган кундан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур комиссия тугатувчи мустақил ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланмайди. У фақат тугатиш жараёнида кредиторлар, қарздорлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиб, тугатилаётган юридик шахс номидан ҳаракат қилади.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс ҳисоб варақлари очилган банкка тугатиш комиссиясининг рухсатисиз ҳисобдан фойдаланмаслик тўғрисида ариза юборади. Мана шу аризага кўра банк тугатилаётган корхона ҳисоби бўйича кейинчалик юборилаётган ижро ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишни тўхтатади. Тугатиш комиссияси барча кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини ундириш, шунингдек юридик шахс тугатилаётганлиги ҳақида кредиторларни ёзма хабардор қилиш чораларини кўриш лозим. Дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида қарздорларга талаб қўйишлари зарур. Агар қарзларни қайтариш рад қилинса тегишли даъво билан судга мурожаат этиш керак. Ўзбекистон Республикаси"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунинг 21- моддасига мувофиқ юридик шахс тугатилаётган тақдирда молиявий ҳисобот тузилади[13].

Агарда юридик шахс суд тартибида тугатилаётган бўлса, суд унинг муассисларига ўз бурчларини тўғри бажариш масъулиятини юклайди. Уларнинг бурчлари тугатишни суд қарорида белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириши лозим холос. Лекин суд қарори тўғри ва лозим даражада бажарилмаган бўлса, суд тугатиш комиссиясини тузади ёки

тугатувчини тайинлаб, унга тугатишни амалга ошириш вазифаларини юклайди. Масалан, етказилган зарар зарар етказишни давом эттираётган корхона, иншоотдан фойдаланиш ёхуд бошқа ишлаб чиқариш фаолиятининг оқибати бўлса, суд жавобгарга зарарни қоплашдан ташқари тегишли фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш мажбуриятини юклашга ҳақли. (ФКнинг 986-моддаси 2 қисми) Бу чора тадбирлар тугатиш жараёнининг бошлангич, **биринчи босқичини** ташкил этади.

Тугатиш жараёнининг аввалида тугатиш комиссияси (тугатувчи) юридик шахснинг барча кредиторларини аниклаш ишларини олиб боради. Унинг асосий мазмунини кредиторларнинг мавжуд талабларини аниқлаш ва уларни қондириш ташкил этади. Бунинг учун юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки ваколатли орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар бериши лозим. Шунингдек, юридик шахс ўзининг тугатилаётганлиги ҳақида матбуот органлари орқали эълон қилиб, унда кредиторлари томонидан талабларини баён қилиш тартиби ва муддатини белгилаб қўяди. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас. Юқорида айтиб ўтилган ушбу тадбирлар ҳам аввало кредиторлар манфаатларининг ҳимоясига қаратилган. Чунки юридик шахс тугатилгач, қолган мол-мулк унинг таъсисчилари ва аъзолари ўртасида тақсимланиб, уларнинг хусусий мулкига айланиши мумкин.

Кредиторлар талабларини қаноатлантириш тугатишнинг муҳим бир босқичларидан ҳисобланади. Шунинг учун, Ўзбекистон РеспубликасиФуқаролик кодексининг 55-моддасида тугатиш комиссиясини вазифаси сифатида **иккинчи босқичда** кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик карзларини олиш чораларини кўриш, шунингдек кредиторларни юридик шахснинг тугатилиши ҳақида ёзма хабардор қилиши кераклиги мустаҳкамланган. Амалиётда қарздорнинг мажбуриятини бажариш муддати бошланмаган бўлса, улар ўртасида

муаммо пайдо бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда тугатилувчи юридик шахс ўзининг тугатилаётганлигини асос қилган ҳолда, қарздорларидан ўз мажбуриятларини бажаришларини талаб қилишга ҳақли эмас. Улар бу мажбуриятни тугатиш муддатини белгилаш чоғида ҳисобга олишлари керак эди. Мавжуд вазиятдан қутилишнинг бирдан-бир йўли тугатилувчи юридик шахс қарздори билан келишувга эришиб, унга нисбатан қўйилувчи талабни бошқа шахс ҳисобига бажариши ҳақида келишувга эришиш мумкин.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари ва иштирокчилари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда, тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Балансда тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқланади. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган баланснинг тўғрилигини, асослантирилганлигини назорат қилиши зарур. Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мол мулкини ким ошди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади ва қарзларини тўлаш учун ишлатади. Яъни қарзларни тўлаш бўйича кредиторлар талаблари энди мазкур юридик шахснинг мол-мулкига қаратилиши мумкин. Бу тугатиш жараёнининг **учинчи босқичига** хос хусусиятдир.

Агарда оралиқ балансини белгилаш чоғида тугатилувчи корхонанинг мол-мулки етарли эмаслиги аниқланса, бундай юридик шахс фақат

банкротлик йўли билан тугатилади. Банкротлик чора-тадбирлари мажмуаси барча тижорат ва нотижорат ташкилотлари учун тадбиқ этилиши мумкин. Тугатиш жараёни олиб борилаётган вақтда ҳам, тугатиш комиссияси ёки тугатувчи томонидан юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) аниқланса, унга нисбатан банкрот бўлганликка доир иш юритишни қўзғатишга асос бўлади. Унинг тугатилиш жараёнида эканлиги иш юритишни қўзғатишга тўсқинлик қила олмайди. Банкротликка учраган хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тартиби ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган "Банкротлик тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги) қонуни билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра қарздорнинг пул мажбуриятлари буйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида карздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Кейинги **тўртинчи босқичда** тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансига биноан тўловларни тайёрлайди. Кредиторларни талабларини қондириш навбати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасида белгиланган бўлиб, биринчи навбатда, фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблари қондирилади. Мазкур қоидани белгилашда мамлакатимизда фуқаролар меҳнатини муҳофаза қилиш ва Меҳнат кодекси нормалари инобатга олинган [77] Иккинчи навбатда алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблар, учинчи навбатда эса тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига зарар етказилганлиги учун берилган талаблари тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади. Мана шундай ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда, тегишли

тўловлар уларни конун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга кўра жабрланувчига тўлаш учун капиталлаштирилиши лозим. Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда, белгиланган суммалар жабрланувчига давлат томонидан қонунда назарда тутилган тартибда тўланади. (1015 м.) Ҳар бир навбатдаги талаб олдинги навбатдаги талаблар қаноатлантирилгандан сўнг амалга оширилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қаноатлантирилади.(Ўз.Р. ФК 56 модда.) Биз юқорида қайд этиб ўтган фукароларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин, қолган мол-мулк қуйидаги тартибда тақсимланади: биринчидан, шу мол-мулк қийматидан суд қарорида кимнинг талаби биринчи бўлиб қондирилиши кўрсатилган бўлса, шу кредиторларнинг қарзлари тўланади; иккинчидан, қолган мол-мулк қийматидан талабнома тақдим этиш муддати ўтиб кетгандан сўнг, берилган талаблар қондирилиши мумкин.

Барча кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, **тугатишнинг якунловчи босқичи** бошланади.

Тугатиш комиссияси муассислар ва иштирокчилар билан келишиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тасдиқланган тугатиш балансини тузади

Юридик шахснинг кредиторлари талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига ва иштирокчиларига топширилади. Шундан сўнг юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиб юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати эса тугаган ҳисобланади.

Мазкур юридик шахсни тугатиш босқичлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб боради. Биронтасининг

тўғри бажарилишига эътибор берилмаса, тугатиш жараёнининг аниқ ва изчил амалга оширилишига салбий таъсир этиши мумкин.

### III боб бўйича хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, қайта ташкил этиш институтини хусусий дорихоналарнинг ххўжалик юритиш амалиётида қўллаш ёрдамида: **биринчидан**, фуқаролик муомаласининг барқарорлиги сақланиб қолади; **иккинчидан** барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуининг ҳуқуқий ворислиги таъминланади; **учинчидан**, шартномавий ва хўжалик алоқалари эркинлиги таъминланади; **тўртинчидан**, кредиторлар ҳуқуқлари максимал даражада кафолатланади; **бешинчидан**, қўшимча солиқ тўлаш зарурати йўқолади; **олтинчидан**, вақтинчалик харажатлар қисқаради; **еттинчидан**, айниқса қайта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини қўллаш самарасининг юқорилиги шундаки унда ишлаб чиқариш капитали, моддий воситалар, асосий ва оборотдаги фондлар тўлиқ сақланиб қолади.

## ХУЛОСА

Демократик бозор ислоҳотларини ривожлантириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш босқичида хусусий дорихоналар фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишининг хусусиятларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Назарий жиҳатдан қонунчиликда ва амалиётда қўлланиладиган тушунчаларнинг бирхилда қўлланилишини таъминлаш лозимлиги нуқтаи назаридан, "фармацевтик фаолият", "дорихона" тушунчаларининг асосий мазмунига ойдинлик киритилди ва уларнинг тушунчасига аниқ таъриф берилди;

2. "Хусусий фармацевтик фаолият", "хусусий дорихона"тушунчаларининг қонунчиликда ўз ифодасини топиши

лозимлиги асослантириб берилиб, бу тушунчаларнинг таърифи ишлаб чиқилди.

3. Дорихоналар фаолиятини тартибга солиш бўйича қонунчилик ўрганиб чиқилди ва биринчи маротаба бу соҳадаги қонунчилик тизимлаштирилиб, уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқ баён қилинди.

4. Хусусий фармацевтик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси ўрганилди, натижада хусусий фармацевтик фаолият билан фақат махсус билимга эга бўлган шахсларгина шуғулланиши мумкин эканлиги тўғрисидаги хулосага келинди.

5. Хусусий дорихоналарнинг бошқа чакана савдо шахобчаларидан фаркли жиҳатлари ўрганилди ва дорихонанинг махсус фармацевтик хизмат кўрсатувчи субъект эканлиги асослантирилиб, унинг давлат рўйхатидан ўтказилаётган вақтида чакана савдони амалга оширувчи субъект сифатида эмас, балки махсус ихтисослашган хизмат кўрсатувчи корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим деган хулосага келинди;

6. Хусусий дорихона махсус субъект мақомини олиши учун қўйилиши лозим бўлган талаблар доираси Ўзбекистон Республикаситармок стандарти ССВ 304-буйруги "Дорихоналарнинг моддий техник базаси, хоналари, жихозланиши ва ходимларига белгиланган талаблар" асосида ўрганиб чиқилди ва ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг "Станлартлаштириш тўғрисида"ги қонун талабларига мувофиқ янги таҳрирда ишлаб чиқилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

7. Хусусий дорихоналарнинг фармацевтик бозорнинг асосий қисмини эгаллаб бораётганлигини эътиборга олган холда бу соҳада соф рақобат муҳитини шакллантирилиши лозимлиги асослантирилган ҳолда, уларнинг аккредитациядан ўтказилиб турилиши кераклиги,

аккредитациядан ўтказиш талаблари ва шартларини белгиловчи нормалар ишлаб чиқилиши даркорлиги кўрсатиб берилди;

8. Хусусий дорихоналар фаолияти асосан аҳолининг саломатлигини сақлаш билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда бу вазифани ноқонуний амалга оширилиши хусусий дорихона фаолиятини бекор қилиш учун асос бўлиши ёритиб берилди ва бу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди.

9. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларни эътиборга олиб , хусусий дорихоналар фаолиятини татибга солувчи махсус қонун қабул қилиниши лозим деган хулосага келинди ва “Хусусий дорихона тўғрисида”ги қонун конструкцияси ишлаб чиқилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 40 б.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда)

Ўзбекистон Республикасининг қонуни "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида". Ўзбекистон РеспубликасиОлий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 40-сон, 411-модда; 2010 й., 20-сон, 148-модда.

Ўзбекистон Республикасиқонуни "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида". Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 120-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 38-сон, 416-модда.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. - Тошкент: «Адолат», 2011. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 9, 234-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда; 2001 йил, N 1-2, 11-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2006 йил, N 7, 373-модда; 2007 йил, N 8, 367-модда; 2008 йил, N 9, 490-модда, N 12, 640-модда; 2009 йил, N 1, 1-модда; 2010 йил, N 6, 231-модда; 2011 йил, N 4, 104-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон РеспубликасиҚонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни .Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда, 2007 йил.№37-38,379-модда

9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фирма номлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 370-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Реклама тўғрисида. Ўзбекистон РеспубликасиОлий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 14-модда; 2002 й., 9-сон, 164-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон,374-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 93-модда; 2010 й., 37-сон, 317-модда, 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида. Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда).

12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Истеъмолчиларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда; 2002 й., 4-5-сон, 74-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 90-модда; 2010 й., 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги 1996 йил 3 августда қабул қилинган қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 9 сон, 142-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат санитария назорати тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда;1999 й., 5-сон, 124-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2010 й., 35-36-сон, 299-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 13.04.2011 й. ЎРҚ-281-сон Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й. 4-сон, 97-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. №ЎРҚ-319 қабул қилинган сана 06.01.2012, кучга кириш санаси 07.01.2012. Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами.2012й. 1-сон 5-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2012йил.

19. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 506-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, N 12, 639-модда; 2009 йил, N 9, 330, 331-моддалар, N 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, N 5, 178-модда, N 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, N 10, 380-модда, N 12, 474-модда; 2011 йил, N 1, 1-модда

21. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. №ЎРҚ-328 қабул қилинган

сана 02.05.2012, кучга кириш санаси 03.05.2012 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.
22. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.
24. Ўзбекистоң Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" ги 1998 йил 10 ноябрь Фармони. ПФ-2107-сон.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 14 июндаги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. -23-24-сон. -167-модда.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармони. "Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 25-26-сон, 178-модда.
27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида" 2005 йил 15 июндаги Қарори. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. -23-24-сон. - 168-модда.
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъктларини

давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги" 2006 йил 24 май ПҚ 357сонли қарори.Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами 12-сон. 106-модда.

29. Постановление Президента Республики Узбекистан"О мерах по поддержке отечественных производителей лекарственных средств и изделий медицинского назначения. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006 г., № 28-29, ст. 267.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги 2007 йил 19 сентябрь Фармони

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 2 октябрь қарори

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46-47-сон, 465-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 105-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори. Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 224-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 04.04.2011 й. ПФ-4296-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4534-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами.2011йил. 34-35-сон. 344-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011й. 34-35-сон. 344-модда.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 215-модда.
39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда.
40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 178-модда.
41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 163-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тизимидаги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги. 1994 йил 11 март. №132 қарорининг 1-иловаси·

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил қилиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 14 август, 283-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17-18-сон, 147-модда.

Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг қарори. Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 20-сон, 201-модда; 2006 й., 20-21-сон, 181-модда; 46-47-сон, 458-модда; 2007 й., 21-сон, 214-модда; 2008 й., 14-15-сон, 102-модда; 2010 й., 18-19-сон, 142-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида. кЎзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 14-сон, 114-модда; 2006

й., 20-21-сон, 181-модда, 46-47-сон, 458-модда; 2012 й., 6-сон, 57-модда, 44-сон, 507-модда.

[49] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори "Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида".Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 20-сон, 198-модда; 2004 й., 30-сон, 345-модда.

[50] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 102-модда; 2010 й., 48-сон, 447-модда; 2012 й., 13-сон, 146-модда.

[51] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 142-модда; 2012 й., 6-сон, 57-модда, 44-сон, 507-модда

[52] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 8-модда; 2011 й., 14-сон, 137-модда, 40-сон, 414-модда; , 2012 й., 8-9-сон, 85-модда; 12-сон, 130-модда.

[53] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 47-модда.

54. Постановление узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации министерства здравоохранения Республики Узбекистан государственного таможенного комитета Республики Узбекистан "Об утверждении правил маркирования и таможенного оформления потребительских товаров, подлежащих обязательному маркированию на государственном языке" (бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2003 г., № 1-2; 2003 г., № 5-6)[зарегистрировано министерством юстиции Республики Узбекистан от 15 января 2003 г. Регистрационный № 1202]
55. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғи "Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишларга жойланадиган дори воситаларини ташқи безагига доир қоидаларни тасдиқлаш ҳақида" (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й.,8-сон) [Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 18 апрелда 1129-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]
56. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғи "Дори воситалари ҳақида ахборот бериш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" (Ўзбекистон Республикасиқонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 31-сон, 267-модда) [Ўзбекистон Республикасиадлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2129]
57. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғи "Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 165-модда)
58. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғи "Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 16-сон, 184-модда)

59. Ўзбекистон Республикаси давлат Божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 11 августда 310-сон билан «тасдиклаган» соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2000 йил11 августда 436-сон билан «тасдиклаган» "Қалбакилаштирилган дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига киритилишини олдини олиш тўғрисида" буйруқ (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 16-сон) [Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 августда 962-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]

60. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган "Юридик шахслар даромади (фойдаси) солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги 2002 йил 14 январда қабул қилинган 1109-сонли Йўриқнома.

61. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи "Дори-дармонларни сақлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида"(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 26-сон, 310-модда) [Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 26 июнда 1976-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]

## III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

62. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон . 1994 й. 48-бет.

63. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.1. – Б. 278-279.

64. Каримов. И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устувор вазифа. -Т.: Ўзбекистон. 1998. 29 б.

65. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. – 528 б.
66. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – Б. 235-236.
67. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. Т.17. – Б. 160.
68. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси / Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.
69. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
70. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
71. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
72. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
73. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. // Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабрь.

74. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаганислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

## IV. Асосий адабиётлар:

75. Акимцева Г.В. Медицинская организация как субъект гражданского права: особенности лицензирования и аккредитации медицинской деятельности.авт. реф.дисс…канд.юрид.наук.Волгоград, 2004 с.13.

76. Апазов А.Д., Аношин М.Т., Мошкова Л.В. "Актуальные проблемы развития аптечной службы в период перехода к рыночным отношениям".// Фармация.–1992.С.3-6.

77. Германское право. Часть II. Германское торговое уложение и другие законы. -М. 1996. С 389.

78. Зуфарова Г.К. Пути совершенствования лицензирования фармацевтической деятельности в Республике Узбекистан. Автореф. Дисс. Канд.фарм.наук. Ташкент.2012.

79. Ибрагимова М.Я. Научные основы совершенствования лекарственного обеспечения сельского населения Республики Узбекистан. Автореф. Дисс. Канд.фарм.наук. Ташкент.1996.

80. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 57-58.

81. Коротеева Н.Н.Становление и развитие Российской фармации в XVI – начале XX вв. Авт. Реф. дисс.доктора исторических наук .Курск 2011.

82. Окюлов О. Понятие и виды юридических лиц по законодательству Республики Узбекистан. Материалы международных научно-практических

конференций. Вопросы совершенствования законодательства о юридических лицах… -Т.: Chassmapriint.2010 г.с.54.

83. Сабо Янош. Формирование фармацевтического рынка в постцентрализованной экономике :На примере Урала. Авт.реф. …канд.экон.наук по ВАК 08.00.05,

84. Севрюк С.А. Гражданско-правовое регулирование фармацевтической деятельности в Российской Федерации : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.03 Волгоград. 2006

85. Тошмуҳамедов Э.Р., Зайнутдинов Ҳ.С., Зияев Р.З., Ибрагимова М.Я., Зульфитдинова С.Ш., Тўхтаева А.М., Умарова Ш.З. Фармацевтика иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Фан. 2007

86. Тошмухамедов Э.Р.,Кадырова С.Х. История становления аптек в Узбекистане. Фармация. 2009. №1 стр.8

87. Убайдиллаев З. Мукаммал қонунлар –ривожланиш омили. // "Халқ сўзи" газетаси, 2011 йил 18 январ. - №12 (5179

88. Умарова Ш. Правовые основы регулирования отношений в области лекарственных средств и фармацевтической деятельности и вопросы их совершенствования. Фармация.№ 2.2008. 17- б.

89. Умарова Ш.З.Совершенствование фармацевтических кадров в Республике Узбекистан. Автореф. Дисс. Канд.фарм.наук. Ташкент.2009.

90. Умарова Ш.З. Правовые основы регулирования отношений в области лекарственных и фармацевтической деятельности и вопросы их совершенствования. Фармация.2008.№2. стр.15.

91. Фармация ишини ташкил қилиш.Дарслик. Юнусхўжаев А.Н таҳрири остида. 2007 йил. 218 бет.

92. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ.1-жилд(биринчи қисм).Адлия вазирлиги.-Т.: "Vektor- Press". 2010.97-98-бетлар.

93. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х. нинг умумий таҳрири остида -Тошкент: ТДЮИ.- 2003. -435б

94. Юнусходжаев А. Цель интеграции-практическая ориентация системы

образования. Материалы научно-практической конференции "Актуальные вопросы науки, образования и производства в фармации".Ташкент 2013. С. 2

95. Юнусхўжаев А.Н., Зайнутдинов Х.С.. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллатириш: муаммо ва уларнинг ечимлари.
96. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 11-сон, 341-модда
97. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2003 й., 2-сон, 16-модда; 1998 й,10-11-сон,204-модда.

## V. Қўшимча адабиётлар:

98. Закон Азербайджанской Республики «О фармацевтической деятельности» Сборнике Законов Азербайджанской Республики" № 3 от 30 сентября 1997 года ст. 228.
99. Кодекс Республики Казахстан. О здоровье народа и системе здравоохранения. 2012.
100. Закон Республики Молдова «О фармацевтической деятельности» от 25 мая 1993 года № 1456.
101. Закон Республики Таджикистан "О лекарственных средствах и фармацевтич еской деятельности"от 6 августа 2001 года.№ 39 .
102. Федеральный закон Российской Федерации от 12 апреля 2010 г. N 61-ФЗ "Об обращении лекарственных средств".
103. Постановление правительство Российской Федерации от 22.12.2011 № 1081. «О лицензировании фармацевтической деятельности»

## Интернет сайтлари :

104. http://www.parliament.gov.uz/
105. http://www.businesspravo.ru
106. http: //www.lex.uz

107. http://www.minzdrav. uz.(Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги)
108. http: //www. Uzpharm-control. Uz/ 12.
109. http: //www. stat .uz.
110. http: //www.press-servise.uz
111. http://www.law.uk.edu
112. http://www.ssu.samara.ru

## ИЛОВАЛАР

## Ўзбекистон Республикаси "Хусусий дорихоналар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси конструкцияси

### 1.Умумий қоидалар

Асосий тушунчалар

Хусусий дорихоналар тўғрисидаги қонунчиликнинг мақсади ва вазифаси.

хусусий дорихона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

хусусий дорихонанинг ҳуқуқий холати

хусусий дорихонанинг номи, унинг жойлашган ери ва почта манзили

хусусий дорихонанинг банк хисоб варақлари

хусусий дорихонанинг муҳри, штамплари ва бланкалари

хусусий дорихонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 11.Хусусий дорихонани таъсис этиш

Хусусий дорихонани таъсис этиш тартиби

хусусий дорихонанинг устави

устав фонди,

### 111. хусусий дорихонани ташкил этиш

хусусий дорихонани давлат рўйхатидан ўтказиш

лицензиялаш

аккредитациядан ўтказиш

### 1Ү.Хусусий дорихонани бошқариш

Хусусий корхона мулкдорининг ҳуқуқлар ва мажбуриятлари

хусусий дорихона мулкининг асослари

хусусий дорихонада меҳнат муносабатлари

хусусий дорихона фаолияти эркинлигининг кафолатлари

### Ү. хусусий дорихонани давлат томонидан қўллаб-кувватланиши

**YI.** Ҳусусий дорихоналарни тугатиш ва қайта ташкил этиш

**YI I. Якунловчи қоидалар**

Низоларни хал қилиш,

“Хусусий дорихона тўғрисида ”ги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик.

## Ўзбекистон Республикасида 2014 йил 1 январ холатига кўра 6197 та дорихоналар бўлиб, улардан:



## Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасидаги дорихоналарнинг ўсиш суръати.



## Ўзбекистон Республикасидаги хусусий дорихоналарнинг 2014 йил январ холатига вилоятлар буйича нисбати



**2000-2014 йилларда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш билан шуғулланувчи дорихона филиалларининг динамик ўсиш суръатлари.**

| Вилоятлар | 01.01.2000 йил холатига | 01.01.2005 йилхолатига | 01.01.2010 йилхолатига | 01.01.2014 йилхолатига |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон | 17 | 51 | 137 | 288 |
| Андижон | 35 | 97 | 225 | 330 |
| Бухоро | 20 | 156 | 129 | 267 |
| Жиззах | 9 | 60 | 94 | 129 |
| Қашқадарё | 23 | 86 | 126 | 187 |
| Наманган | 31 | 115 | 183 | 309 |
| Навоий | 24 | 52 | 115 | 202 |
| Самарқанд | 22 | 120 | 218 | 426 |
| Сирдарё | 12 | 83 | 95 | 291 |
| Сурхондарё | 65 | 128 | 189 | 276 |
| Тошкент | 51 | 123 | 225 | 321 |
| Фарғона | 49 | 147 | 254 | 449 |
| Хоразм | 15 | 40 | 105 | 199 |
| Тошкент ш. | 223 | 314 | 457 | 497 |

## Фармацевтик фаолият билан шуғулланиш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахслар тўғрисида МАЪЛУМОТ

**01.01.2014 йил холатига.**

| Вилоятлар | Корхона, ташкилот ва дорихона муассасалари | шундан | | | | | филиаллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга корхоналар | ДВ ва ТБ билан фақат улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга ташкилотлар | Хусусий ташкилотларнинг дорихоналари | Даволаш профилактика муассасаларининг ДВ тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган дорихоналар | ДВ ва ТБ сифатини назорат қилувчи лабораторилар | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 236 | | 2 | 219 | 15 | | 288 |
| Андижон | 560 | 10 | 8 | 517 | 24 | 1 | 330 |
| Бухоро | 365 | 8 | 5 | 332 | 20 | | 267 |
| Жиззах | 115 | | 4 | 107 | 4 | | 129 |
| Қашқадарё | 456 | 1 | 3 | 429 | 22 | 1 | 187 |
| Наманган | 443 | 4 | 18 | 412 | 9 | | 309 |
| Самарқанд | 566 | 4 | 19 | 520 | 22 | 1 | 426 |
| Сирдарё | 154 | 6 | 10 | 126 | 12 | | 291 |
| Сурхондарё | 313 | 1 | 2 | 299 | 11 | | 276 |
| Тошкент | 589 | 28 | 36 | 493 | 32 | | 321 |
| Фарғона | 596 | 4 | 14 | 555 | 23 | | 449 |
| Хоразм | 266 | | 1 | 249 | 15 | 1 | 199 |
| Тошкент ш. | 1356 | 70 | 206 | 1019 | 56 | 5 | 497 |
| Навоий | 182 | 3 | 1 | 171 | 7 | | 202 |
| **ЖАМИ** | 6197 | 139 | 329 | 5448 | 272 | 9 | 4171 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

# МАТЕРИАЛЫ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ «АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НАУКИ, ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»

# «ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»

## ИЛМИЙ – АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент - 2013

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**А.А. Боисхўжаева, Х.С. Зайнутдинов, А.И. Тўхтаева**
Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси
E-mail: pharmi@bcc.com.uz

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлабоқ инсон, унинг манфаатларини устунлигини эътироф этган ҳолда ҳуқуқий демократик фукаролик жамиятини қуришдек улуғвор вазифани ўз олдига қўйди. Шу мақсадга эришиш учун мавжуд бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, дахлсизлиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлигига асосланган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Хозирги кунда аҳолини дори воситалари билан таъминлашда республикамизда 2013 йил 1 апрель холатига кўра жами 5731 та дорихона бўлиб, улардан 281 таси давлат тасарруфидаги, 203 таси "Дори –дармон" Акциядорлик компанияси тизимидаги, 5247 таси эса ҳусусий дорихоналардир. Агар бу кўрсаткичлари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги "кичик ҳусусийлаштириш" даври билан таққослайдиган бўлсак, бу даврда 2570 та давлат мулкига асосланган дорихоналар мавжуд эди. Улардан, 352 таси шифохоналараро дорихоналар бўлиб, уларни давлат тасарруфидан чиқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ таъқиқланди. Қолган дорихоналар, дорихона омборхоналари, санитар-гигиена анжомлари магазинларини давлат тасарруфидан чиқариб, 1994 йилда жами 2218та жамоа мулкига асосланган, акциядорларнинг мулкига ва фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган шаклдаги дорихоналарга айлантирилиши назарда тутилди[1].

1994 йилнинг охирига келиб, 239 та акциядорларнинг мулкига асосланган, 290 та жамоа мулкига асосланган ва 1059 та ҳусусий мулкка асосланган дорихоналар ташкил топган эди. Юқоридаги кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шакллантирилиши, ҳусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши бошқа соҳалар билан бир қаторда фармацевтика соҳасида ҳам ҳусусий мулкдорларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратилган.

Хусусий дорихоналар ўз мулкига эга бўлиб, иқтисодий муносабатларга ўзи мустақил киришади ва ўз мулки доирасида ўзи жавобгар ҳисобланади ва чакана савдо корхоналаридан ҳам фарқланади. Аммо, хусусий дорихоналарнинг ҳуқуқий холати на илмий, на назарий ва на амалий жиҳатдан ўрганилган эмас. Шу нуқтаи назардан хусусий дорихона тушунчаси, уни аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тизимидаги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги 1994 йил 11 март. №132 қарорининг 1-иловаси.

жиҳатларини, унга қўйиладиган талаблар доирасини ўрганишни тақозо этади.
Бу масалани ўрганишда аввало қонунчилигимизда берилган "дорихона"
тушунчасига аниқлик киритишни тақозо этади, яъни "Дори воситалари
фармацевтика фаолияти" тўғрисидаги қонунда берилган "Дорихона- ..."
амалдаги таҳририни "Дорихона муассасаси – дори воситаларини тайёрлаш,
қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш ҳамда
касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори воситалари, тиббий
буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни,
маъданли сувларни, даволаш-косметика маҳсулотларини, биологик фаол
қўшимчаларни харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи мустақил
юридик мақомга эга бўлган тиббиёт муассасаси." – деб қўшимча киргизиш
юқоридаги"[2] қайд этилган муаммони ҳал этишга ёрдам беради.
Хусусий дорихона фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг бир кўриниши бўлиб,
бу фаолият бошқа тадбиркорлик фаолиятларидан ўзига хос жиҳатлари билан
ажралиб туради. Аввало бу фаолият лицензияланадиган фаолиятлар сирасига
киради ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13
майдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган "Фармацевтика фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тартибга солинади. Ушбу
низомга мувофиқ бу фаолият билан ҳар қандай шахс ҳам шуғуллана олмайди.
Мутахассис бўлмаган шахсларнинг дорихоналарда ишлаб келаётганлиги ҳам
шундай корхоналарда кўпроқ учраб турибди ва бу масала шу куннинг катта
муаммоларидан бири бўлиб, қонун йўли билан ҳеч қандай жавобгарликка
тортилмайди. Олий маълумотли фармацевтлар дорихонанинг асосий штатида
турмаганлиги турли қонунбузарликлар содир бўлишига имконият яратади. Шу
муносабат билан, 1997 йил 25 апрелдаги "Дори воситалари фармацевтика
фаолияти" тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси 2-хатбошига қўшимча киргизиш
зарур. Буни қуйидаги таҳрирдаги: "Дорихоналар ишини бошқариш олий
фармацевтика маълумотига эга ва дорихонанинг асосий штатида турган
шахсларгагина рухсат этилади" қўшимча киритиш билан тартибга солиш
мумкин"[3].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатлари шароитида
аҳолини дори воситалари билан таъминлашда турли мулк шаклларидаги
дорихоналар фаолиятини таҳлил қилиш асосида хусусий дорихоналарнинг
ўзига хос жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги
муаммоларни комплекс ҳолда таҳлил қилиш, хусусий дорихоналар ўз
фаолиятларини амалга ошириши учун самарали ҳуқуқий база яратиш,
шунингдек ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя
қилишнинг самарали тизимини яратиш, булар асосида ушбу соҳада миллий
қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича аниқ амалий таклиф ва тавсиялар

---

[2] Юнусхўжаева А.Н., Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун
ҳужжатларини такомиллаштириш: муаммо ва уларнинг ечимлари. Фармацевтика журнали.2011й. №4,17-бет.
[3] Зайнутдинов Х.С., Умарова Ш.З. Фармацевтика амалиёти: муаммо ва ечимлар. Фармацевтика журнали. 2011 й.
№4, 36-бет.

ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликдаги мавжуд нормаларни ижроси билан боғлиқ амалиётни янада кучайтириш зарурияти мавжуд.

**Адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги дорихона муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги. 1994 йил 11 мартдаги №132 қарорининг 1-иловаси.
2.Юнусхўжаев А.Н., Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллатириш:муаммо ва уларнинг ечимлари. Фармацевтика журнали. 2011 й. №4, 17-бет.
3.Зайнутдинов Х.С.,Умарова Ш.З. Фармацевтика амалиёти; муаммо ва ечимлар. Фармацевтика журнали. 2011 й. №4, 36-бет.

## ФАРМАКОЭКОНОМИЧЕСАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ПРЕПАРАТА ГЕМАЛИН В КОМПЛЕКСНОМ ЛЕЧЕНИИ КИШЕЧНЫХ ПАРАЗИТОЗОВ У ДЕТЕЙ

**О.А. Эгамбердиев, М.Э. Абдуллаева, Б.Ш. Махмудова, О.Н. Халилов**
Андижанский Государственный медицинский институт, г. Андижан, Республика Узбекистан
E-mail: www.andmi.uz.

Во всем мире, в том числе странах СНГ, кишечные паразитозы распространены достаточно широко и имеют весьма существенное социально-экономическое значение (3, 6, 7). Анализ литературных источников показывает, что антигельминтные средства в большинстве случаев приводят к устранению лабораторных признаков кишечных паразитозов в копроовоскопических исследованиях (1, 6). Вместе с тем, нередки побочные действия этих препаратов, рецидивы гельминтозов и протозойных заболеваний, после неоднократных курсов дегельминтизации (6, 7).Иммуномодулирующие и иммунокорригирующие препараты увеличивают эффективность антигельминтной терапии, уменьшая реинвазии патологии, за счет конкурентного повышения активности клеточного и гуморального иммунитета макроорганизма – хозяина, что позволяет считать обоснованным их применение в комплексной терапии кишечных паразитозов (1, 8). Однако, дополнительное применение иммуномодуляторов в лечении последних, может увеличивать общую стоимость терапии, что , приводит к низкой приверженности (комплайнс) родителей больных детей по систематической дегельминтизации и, в конечном итоге, к снижению эффективности проводимых мероприятий (3).Основной задачей настоящего исследования явился сравнительный фармакоэкономический анализ традиционного (антигельминтными препаратами) и сочетанного применения с последними иммуномодулятора Гемалин (иммуномодулирующая терапия).

<u>Материал и методы исследования:</u> Анализированы результаты лечения 91 ребенка и подростков в возрасте 1-17 лет с полиинвазией кишечными паразитозами: энтеробиоз+лямблиоз (n= 46), лямблиоз+ гименолепидоз (n =

uqugiy jurnal

UQUQ va BURC

№04(100)/2014



ЛТАНАТНИ
ХОС ТУЗУКИ

# ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛА

## уларнинг фаолиятига оид ҳуқуқий асосла

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, давлат ва жамиятнинг ёрдамига таяниш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган (Ўзбекистон ушбу декларацияни 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган). Ўзбекистон Конституциясининг 40-моддасида ҳам «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлиги кафолатланган.**



Аҳоли саломатлигини сақлаш, уларни дори-дармонлар билан таъминлаш хавфсиз ва кетар экан, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни қуйидаги даврларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи давр 1991 – 1996-йилларни қамраб олиб, бу босқичда мамлакатимиз қонунчилигида собиқ иттифоқ қонунчилигига ёт бўлган хусусий мулк, тадбиркорлик, акция, акциядорлик жамияти каби тушунчалар пайдо бўлди. Тараққиётимизнинг ушбу босқичида давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги, «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат акциядорлик концернини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг до[illegible]

рихона [illegible] лат тасарруфидан [illegible] ва хусусийлаштириш[illegible] сида»ги, «Ўзбекистон [illegible] мацевтика саноати («Ўз[illegible] саноат») давлат [illegible] лик концернини [illegible] лиш ва унинг [illegible] сабалари тўғрисида[illegible] рмор воситалар, тибби[illegible] юмлар ва [illegible] тика [illegible] устидан давлат [illegible] ташкил этиш тўғрисид[illegible] қарорлари ва бошқа [illegible] тив ҳужжатлар қабул қ[illegible] ниб, фуқароларнинг [illegible] ни сақлашга бўлган ҳуқу[illegible] рини таъминлашга [illegible] муҳим [illegible]

Фармацевтика [illegible] лари, [illegible] лари ва тиббий техника [illegible] фатини назорат қилиш, с[illegible] дартлаш ва сертификат[illegible] тириш соҳасида [illegible] лат сиёсатини [illegible] мақсадида Соғлиқни са[illegible] вазирлиги таркибида [illegible] вор воситалар ва тибб[illegible] техника сифатини наз[illegible] қилиш бош бошқармаси [illegible] қил этилди.

Иккинчи давр 1996 – 2007-йилларни қамраб о[illegible] ди. Бу даврни соғлиқни с[illegible] лаш соҳасида амалга о[illegible] рилган ислоҳотлар [illegible] ҳим даври деса, [illegible] майди. Чунки соғлиқни с[illegible] лаш соҳасидаги асосий қон[illegible] ларнинг қабул қилини[illegible] айнан шу даврга тўғри [illegible] лади. Хусусан, «Фуқаро[illegible] соғлиғини сақлаш тўғри[illegible] да»ги (1996 йил 29 август[illegible]

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТОМОНИДАН 2010 ЙИЛ 13 МАЙДА «ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ.**

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (1997 йил 25 апрель), «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги (1999 йил 19 август), «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000 йил 25 май), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 йил 26 апрель) қонунлар, Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги (1998 йил 10 ноябрь) Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1996 йил 14 август), «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги (2003 йил 16 июль), «Ветеринарияда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2003 йил 12 сентябрь), «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (2003 йил 29 октябрь), «Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги (2003 йил 31 октябрь) қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқаролар соғлиғини сақлаш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида»ги Фармонда 1998 – 2005-йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси белгилаб берилди. Хусусий секторни давлатлаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлатга тегишли дорихоналари бўлмиш мулкдорлар узоқ муддатли ижарага олиб, кейинчалик уларни хусусий мулк қилиб сотиб олиши тарзида давлат тасарруфидан чиқариш тажрибасини кенгайтирилиши, ходимлар хусусий даволаш-профилактика муассасаларини барпо этиши учун ер майдонлари ажратилишини ҳамда оилада ишлаш учун қулайликлар билан соғлиқни сақлаш таъминотчилари, молиявий қўллаб-қувватлаш учун енгил кредит линиялари очилиши назарда тутилди.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахслар томонидангина амалга оширилишига рухсат этилди. Фармацевтика инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ соҳа бўлгани боис бу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рухсатнома (лицензия) олиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг учинчи даври 2007 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантиришнинг давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги билан боғлиқдир. Мазкур ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилганлиги қайд этилиб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари белгилаб қўйилди. Бу даврда қабул қилинган норматив ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2007 йил 2 октябрь), «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги (2007 йил 19 ноябрь), «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2010 йил 13 май) қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2007 йил 25 октябрь), «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 3 апрель) қарорлари, «Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2010 йил 7 апрель) қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу ҳужжатларда тиббиёт муассасалари фаолиятини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши учун бажариши

**«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахслар томонидангина амалга оширилишига рухсат этилди. Фармацевтика инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ соҳа бўлгани боис бу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рухсатнома (лицензия) олиш зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилди.**

**ANNOTATION:**

In the article titled «Private drugstores: legal basis for their operations» by Master of Tashkent Pharmaceutical Institute A. Boisxujaeva the meaning of developments in providing our population with healthcare and medicine since the independence of the country is discussed.

The article analysis historical evolution stages of the pharmaceutical industry in Uzbekistan, the role of implemented legislative documents in the progress of the industry during past years is deeply analyzed.

лозим бўлган талаблар, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом, шунингдек, тиббиёт фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги янги низомларни қабул қилиш зарурлиги белгиланган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президентининг «Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини (2010 йил 7 апрель) бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 13 майда «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлади.

2010 йил 19 майда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 11-моддаларига ўзгартишлар киритилиб, 11-моддасига асосан «Тиббий фаолият тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан, фармацевтика фаолияти эса тегишли лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний

**2010 йил 19 майда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-, 11-моддаларига ўзгартишлар киритилиб, 11-моддасига асосан «Тиббий фаолият тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан, фармацевтика фаолияти эса тегишли лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин»лиги белгилаб қўйилди.**

шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин»лиги белгилаб қўйилди.

МДҲ давлатлари қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, фармацевтик фаолият Россияда «Дори воситалари айланиши тўғрисида»ги қонун, ҳукуматнинг «Фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги қарори, Молдова ва Озарбайжонда «Фармацевтик фаолият тўғрисида»ги қонунлар, Тожикистонда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун, Қозоғистонда эса «Халқ саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисида»ги кодекс билан тартибга солинади. Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатларда фармацевтик фаолият тушунчасига берилган таърифларда турлича ёндашувларга гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Қозоғистоннинг кодексида «Фармацевтик фаолият — соғлиқни сақлаш соҳасида дори воситаларини, тиббий ва тиббий техника буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш (тиббий техникадан ташқари), улгуржи ва чакана савдосини амалга ошириш, дори воситаларини, тиббий ва тиббий техника буюмларини сотиб олиш (эгаллаш), сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш, сифатини назорат қилиш, расмийлаштириш, тақсимлаш, фойдаланиш ва йўқ қилиш, шунингдек уларнинг хавфсизлигини, самарадорлигини ва сифатини таъминлаш билан боғлиқ амалга ошириладиган фаолият» сифатида эътироф этилади.

**Молдова қонунида:** «Фармацевтик фаолият соғлиқни сақлашнинг илмий-амалий соҳаси бўлиб, ичига дориларни яратиш, уларни стандартлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, улар ҳақида ахборот бериш, уларни аҳолига етказиб бериш ва сотиш билан боғлиқ фаолият, шунингдек фармацевтик корхона ва ташкилотларни, уларнинг бўлинмаларини бошқариш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ дориларни яратиш ва тестдан ўтказиш бўйича изланишлардан ташқари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари доирасида амалга ошириладиган фаолият», – деб таъриф берилган.

Назаримизда, фармацевтик фаолият кенг қамровли бўлиб, у нафақат дориларни балки тиббий приборлар ва буюмларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек уларни синовдан ва тестдан ўтказиш, патентлаштириш, сертификатлаштириш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, улгуржи савдони ташкил қилиш, тақсимлаш, аҳолига етказиб бериш ва сотиш, экспорт ва импорт қилиш, йўқ қилиш билан боғлиқ фаолиятлар ҳам назарда тутилган. Фармацевтик фаолият махсус лицензия(рухсатнома)га эга бўлган, аккредитациядан ўтган юридик шахс ҳамда фармацевтик олий ва ўрта махсус маълумот ва малакага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

**Адибахон БОИСХЎЖАЕВА,**
Тошкент фармацевтика
институти магистранти

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2014 йил 8 апрель • сешанба № 13 (

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.odi

# Озодалик ва сариштaлик бунёдкорона кайфият бағишлайди

*Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.*

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50-модда)*

*Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқило фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.*

*(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модд*

Бахор — бунёдкорлик фасли. Ҳар бир инсон ўз уйи атрофи, кўчаси озодалигини таъминласа, бутун маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг файзу баракаси ошади.



йўлга қўймай туриб, ижтимоий адолат тантанасига эришиб бўлмайди. Ижтимоий адолат тантанаси тўла таъминланмаган жойда эса ҳуқуқий тафаккур юксак даражага кўтарилмайди. Мана шу мулоҳазаларнинг ўзиданоқ аён бўлмоқдаки, ҳуқуқий маданият юксаклиги жамиятдаги адолат тантанаси, қонун устуворлиги, демократик қадриятлар барқарорлиги ифодасидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тафаккур борасидаги эзгу ва улуғ мақсадлар, табиийки, аввало, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларига юксак масъулият юклайди. Бу борада эса Адлия вазирлиги тизимидаги ходимлар томонидан олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиб бориши жамиятда адолат барқарор бўлишини таъминлайди. Бу эса ҳар биримиздан ҳуқуқий билим даражамиз юқори бўлишини талаб қилади.

**Ҳасан МАРДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

O'ZBEKISTON MILLIY MATBUOT MARKAZI

NATIONAL PRESS-CENTRE OF UZBEKISTAN

# Қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда юридик хизматнинг роли ва масъулияти

Адлия вазирлиги томонидан

**Талқин**

## Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика:

# соҳадаги муҳим норматив ҳужжатларнинг ҳаётий татбиқи

**МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, босқичма-босқич бу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилмоқда.**

БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: **ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, давлат ва жамиятнинг ёрдамига таяниш ҳуқуқига эга эканлиги эълон** қилинган. Бу тушунча Конституциямизнинг 40-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унда: **"Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"**, эканлиги кафолатланган.

Республикамизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларни дори-дармонлар билан таъминлаш соҳасида ҳам қабул қилинган қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ҳамда кафолатлаш, инсон ҳаёти, соғлиғи, турмуш шароити ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Ушбу қонунларга асосан, аҳолини дори-дармон билан таъминловчи муассасаларнинг мақоми тубдан ўзгартирилди, яъни давлат мулкига асосланган дорихона муассасалари билан бир қаторда бошқа мулк шаклларига, жумладан, хусусий мулкка асосланган дорихоналарнинг фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақилликка эришганимиздан кейинги даврда соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунларимизни қуйидаги даврларга ажратишимиз мумкин:

**Биринчи давр** — ўз ичига 1991-1996 йилларни қамраб олиб, ушбу босқичда мамлакатимиз қонунчилигида собиқ иттифоқ қонунчилиги учун ёд бўлган тушунчалар — хусусий мулк, тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, акция, акциядорлик жамияти ва бошқа кўплаб шу каби тушунчалар пайдо бўлди. Ушбу тушунча-

тиришни рағбатлантириш мақсадида давлатга тегишли бўлган дорихоналарни бўлғуси мулкдорлар узоқ муддатли ижарага олишди. Кейинчалик уларни хусусий мулк қилиб сотиб олиши тарзида давлат тасарруфидан чиқариш тажрибаси кенгайтирилди, ҳокимликлар томонидан хусусий даволаш-профилактика муассасаларини барпо этиш учун ер майдонлари ажратилди. Давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги кредит линиялари очилиши назарда тутилди. Давлат дастури талабларига мувофиқ, соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий асосларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг янгиларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Бу даврда мамлакатимиз тиббиёт ва фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришни таъминлаш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилишга, дори-дармон воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга турли имтиёзлар бериш йўли билан уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг **"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"**ги Қонунига мувофиқ, дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахслар томонидангина амалга оширилишига рухсат этилди. Фармацевтик фаолият инсон ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ соҳа бўлганлиги учун ҳам унга алоҳида эътибор берилиб, бу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли тартибда рухсатнома (лицензия)га эга бўлгандан кейингина рухсат берилиши қонун

